



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2005 йил 19 февраль, шанба • №15 (11.714) • Эркин нарҳда сотилади

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИ

18 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда 2004 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасидан келиб чиққан ҳолда иқтисодиётни янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш борасида ҳукумат томонидан амалга ошириладиган устувор вазифалар муҳокама этилди. Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев бошқарди.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги "Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир" номли маърузасида 2004 йилда мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий якунларига тўхталар экан, ўтган йил биз учун осон кечмаган бўлса-да, эришилган ютуқлар барчамизни қувонтиришини алоҳида таъкидлади. Авваламбор, иқтисодиётнинг

барқарор ўсиши таъминланди, макроиқтисодий ва молиявий барқарорлик мустаҳкамланди, иқтисодиёт ва унинг айрим соҳаларидаги мутаносиблик кучайди.

Ўтган йили мамлакатимиз иқтисодиётида хусусий сектор улушини кўпайтириш, қишлоқ хўжалиги соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, товар ва валюта бозорларини эркинлаштириш, маъмурий ислохотларни кенг жорий этиш тўғрисида ижтимоий-иқтисодий соҳада муайян ижобий ўзгаришларга эришилди.

Иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатлари таъминланди ва ўтган йил якунлари бўйича 7,7 фоиз ўсди. Саноат ишлаб чиқариши – 9,4, истеъмол товарлари ишлаб чиқариши – 13,4, аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиши – 13,8, чакана товар айланмаси ҳажми – 4,7, асосий капиталга инвестициялар ҳажмининг ўсиши 5,2 фоизни ташкил қилди. Макроиқтисодий барқарорликка эришилди. Истеъмол нархлари инфляцияси 3,7, давлат бюджети тақчиллиги 0,4 фоизни ташкил этди.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш тизими тубдан ўзгарди. Ушбу тизимда етакчилик роли фермер хўжалиқларига ўта бошлади. Бу, ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмининг 10,1 фоиз ўсишини таъминлади.

Экспорт ҳажми кескин ортиб, 1,3 баравар ўсишга эри-

шилди. Бу эса 1037 миллион АҚШ доллари миқдорига ижобий сальдони таъминлаш имконини берди. Айни вақтда тайёр маҳсулотлар экспорти 52 фоиз ўсди.

Давлат муассасаларининг ортиқча ва бир-бирини такрорлайдиган функцияларига барҳам бериш борасида сезиларли ишлар қилинди. Давлат бошқарувининг 20 га яқин органини тугатиш ва қайта ташкил этиш, бошқарув аппаратларида 40 минг штатни қисқартириш йўли билан давлатнинг иқтисодиётдаги ролини муайян даражада камайтиришга муваффақ бўлинди. Айни пайтда хомашё ва материалларнинг стратегик турларини биржа ва кимовиди савдолари орқали сотишнинг бозор механизмлари такомиллаштирилмоқда.

2004 йил давомида инвестиция фаоллиги суръатлари тезлашди. Инвестиция ҳажми 5,2 фоиз, шу жумладан тўғридан-тўғри жалб этилган хорижий инвестициялар 2 баравардан ортиқ кўпайди. Ўз маблағлари ва жалб этилган маблағлар ҳисобига 130 га яқин йирик саноат, коммуникация ва инфратузилма объектлари қурилди ва фойдаланишга топширилди.

(Давоми 2-бетда).

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

Ўргандилар, Ўргатдилар

Зангиота туманидаги 34-умумтаълим мактабида ўқувчиларни дарсларга қизиқтириш, бунинг учун амалиёт соатларини кўпайтириш, шунингдек, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ҳамда ўқитувчиларнинг ўқув услубий режаларини такомиллаштириш масалаларига бағишланган семинар-машғулот бўлиб ўтди.

Унда туман мактабларидан вакиллар ва халқ таълими бўлими мутасаддилари иштирок этдилар.

Машғулотда ўқув режалари пухта ишланган, тажрибага эга маориф ходимларининг ишларини оммалаштириш хусусида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Равшан РУСТАМОВ.

Хизматлари

Такомиллашмоқда

Чиноз туманидаги марказий поликлиника қошида онкология-гинекология бўлими иш бошлади. Бўлимда аёлларда учрайдиган айрим хасталиклар даволанади.

Поликлиникага жарроҳлик, травматология, онкология, эндиринология, урология касалликлари бўйича мурожаат қилган беморларни шу ернинг ўзида даволаш мақсадида 10 ўринли кундузги даволаниш хоналари ҳам ташкил этилди.

Отабек РУСТАМЖОНОВ.

Зулфия хотирасига бағишлаб

Ангрен шаҳар хотин-қизлар кўмитаси янги ишга қўл урди.

Атоқли ўзбек шоираси Зулфия таваллудининг 90 йиллигига бағишлаб хотин-қизлар ўртасида спартакиада ўтказиш белгиланди. Ҳозирда мусобақалар билан боғлиқ ташкилий ишлар амалга оширилмоқда.

Ушбу мусобақаларда Боботўғ, Мустақиллик, Гулбоғ, Облик, Қорабоғ ва бошқа маҳаллалардан юздан ортиқ хотин-қизлар спортнинг баскетбол, волейбол, бадминтон ва бошқа турлари бўйича куч синашади.

Даврон АБДУЛЛАЕВ.

Ёшлар севган мавзуда

Ангрен шаҳар кимё саноати касб-хунар коллежиде «Ёримга» дея номланган қизиқарли кеча бўлиб ўтди.

Ушбу кечада фақат муҳаббат, вафо, садоқат ҳақида сўз юритилди. Коллеж ўқувчилари томонидан куйланган куй-қўшиқлар, сахна кўринишлари ҳам айнан шу мавзуда бўлди. Айниқса, «Табассумчилар» ҳамда «Божалар» гуруҳларининг маҳорати тадбир иштирокчиларига манзур бўлди.

Хуршида МҮМИНОВА.

Замона ёшлари – 2005

ЕТУКЛИК ВА КАМОЛОТ САРИ



Вилоят хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан ўртамаҳсус касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар талабалари ўртасида ҳар йили ўтказиб келинаётган ва бугунга келиб анъана тусини олган «Замона ёшлари» кўрик танловининг ҳудудлараро баҳслари давом этмоқда.

Вилоят шаҳар ва туман фуқаролар йиғинларининг диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш мақсадида кенгайтирилган ҳудудий учрашувлар ва давра суҳбатлари бўлиб ўтди.

Маслаҳатчи ва кенг жамоатчилик

Унда маҳалла оқсоқоллари, таълим муассасалари раҳбарлари, ички ишлар бўлими бошлиқлари, миллий хавфсизлик хизмати ходимлари, прокуратура, суд идоралари ва бошқа жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этдилар.

Давра суҳбатларида ёшларни тарбиялашда этика ва эстетиканинг ўрни, «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуннинг бугунги кундаги моҳияти, миллатлараро бағрикенглик ва бошқа бир қатор мавзуларда фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Маслаҳатчиларнинг кенг жамоатчилик билан ҳамкорлигини кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирлар белгиланди.

Рустам НЕЪМАТОВ.

Ушбу кўрик-танловдан кўзланган асосий мақсад — ёшларни ҳар томонлама баркамол инсон бўлиб етиштиришни таъминлаш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, миллий урф-одатларимизни қадрлаш, давлатимиз томонидан олиб борилаётган ислохотларни теран англашга ўргатиш ва энг асосийси ўзлари танлаган касбларида етакчилик қобилиятларини шакллантиришдан иборатдир. Кўрик-танлов шартлари ҳам ана шу мақсадлардан келиб чиқиб белгиланган.

Навбатдаги ҳудудлараро беллашувда ҳам бешта жамоа вилоят финал босқичига йўллангани қўлга киритиш учун баҳслашди. Танлов якунига кўра Янгийўл туманидаги Халқобод қишлоқ-хўжалик касб-хунар коллежи талабаларидан иборат ёшлар жамоаси ғолибликни қўлга киритиб, вилоят финал босқичига йўлланма олдилар.

Танлов якунида иштирокчиларга эсдалик совғалари топширилди.

Зулхумор ЖҲРАЕВА.

Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.



ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИ

Иқтисодий ўсиш, янги иш ўринларининг кўпайиши ва истеъмол нархлари инфляцияси даражасининг пасайиши аҳолининг реал пул даромадлари 15 фоиз ўсишини таъминлади. Мухим ижтимоий дастурлар, хусусан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, "Меҳр ва мурувват йили", болалар спортини ривожлантириш, соғлиқни сақлашни ислох қилиш, аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш дастурларининг мўлжалланган параметрлари ва бошқа мақсадли чора-тадбирларнинг бажарилиши аҳолининг турмуш шароитини анча яхшилаш имконини берди.

Шу билан бирга, мажлисда ўтган йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш жабҳасида қатор камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилганлиги танқидий таҳлил этилди. Вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари иқтисодиётни янада ислох қилиш ва эркинлаштириш, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик соҳасида мавжуд ғов ва тўсиқларни бартараф этиш бўйича белгиланган комплекс чора-тадбирларнинг тўлиқ амалга оширилишини таъминлади.

Хусусийлаштириш жараёнига инвестицияларни, илғор технологияларни ва замонавий бошқаришни жалб этиш мақсадида хорижий инвесторлар билан ўзаро ҳамкорликнинг самарали тизими яратилди. Банк соҳасида иқтисодий ислохотлар суғул амалга оширилмоқда. Солиқ тизимини тубдан такомиллаштириш зарурати етилган, хусусан, соҳада кадрлар билан ишлаш ташкил этиш замон талаблари даражасида эмас.

Жойларда ерларни ажра-

(Давоми. Боши 1-бетда).

тиш ва фермерларни танлаш бўйича ошқора бўлмаган тартиботлар амалиёти ҳамон учраб турибди. Уй-жой-коммунал хўжалигида ислохотлар қоникарсиз амалга оширилмоқда. Монополиядан чиқариш органлари эркинлаштириш ва рақобатли тадбиркорлик муҳитини яратиш жараёнида ўз ўрнини топмади. Кичик ва хусусий бизнес корхоналари маҳсулотларини экспорт қилишга кўмаклашиш тизими ташкил этилмаган.

Мажлисда вазирлик ва идораларда, хўжалик бирлашмаларида сақланиб қолаётган бюрократик услуб, раҳбар ходимларда олдинда турган мақсад ва вазифаларни ҳал этиш учун зарур масъулият ва омишкорликнинг етишмаслиги мавжуд нуқсон ва камчиликларнинг асосий сабаби эканига алоҳида эътибор қаратилди.

Президентимиз ҳукуматнинг янги таркиби билан Оқсаройда ўтказилган йиғилишда сўзлаган "Янги ҳаётни эскича қараш ва ёндашувлар билан қуриб бўлмайди" мавзусидаги нутқида таъкидлаганидек, ҳозирги кунда ислохотлар тақдирини, аввало, давлат ва ҳукумат идораларида масъул лавозимда ўтирган одамлар ҳал қилиши, бинобарин, улар шу масалага бевосита жавобгар эканини барчамиз чуқур англаб олишимиз шарт. Шу маънода, мажлисда раҳбар ходимлар ўзлари бошқарадиган соҳа ёки ҳудудларда ислохотларнинг тўла амалга оширилиши учун шахсан масъул эканликларини яна бир бор уқтирилди.

Йиғилишда баҳорги дала ишларига ўз вақтида тайёргарлик кўриш, белгиланган муддатларда қишлоқ хўжалиги корхоналари билан кредит битимлари тузишни тугаллаш, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини тегишли шартномалар асосида ёнилғи-

мойлаш материаллари билан таъминлаш, кўкламги агротехника тадбирларини ўтказишда ишлатиладиган барча қишлоқ хўжалиги техникасини тайёрлаш зарурлиги қайд этилди.

Вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари зиммасига ўн кун муддатда Парламент палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида ва Оқсаройда Вазирлар Маҳкамасининг янги аъзолари иштирокида ўтказилган йиғилишда давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган талабларга асосан иқтисодиёт тармоқларида, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида иқтисодий ислохотларнинг боришини танқидий кўриб чиқиш, ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларини амалга оширишни таъминлайдиган зарур чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш топширилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.Азимов сўзга чиқди. Кўрилган масалалар юзасидан Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси М.Асқаров, Давлат солиқ қўмитаси раиси Б.Парпиев, Марказий банк бошқаруви раиси Ф.Муллажонов, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Ж.Сайфиддинов, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири С.Исмоилов, Бухоро, Жиззах, Наманган, Тошкент вилоятлари ҳокимлари С.Хусенов, У.Яманқулов, И.Нажмиддинов, К.Тўлаганов ва бошқаларнинг ахбороти тингланди.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар бўйича тегишли қарор қабул қилинди.

ЎЗА.

● Баркамол авлод – 2005

Гиламда ёш полвонлар

Ангрен шаҳар кимё саноати касб-ҳунар коллежи спорт мажмуида «Баркамол авлод – 2005» спорт ўйинларининг III босқичидан ўрин олган миллий кураш мусобақаларининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Унда сўзга чиққанлар асрлар оша яшаб келаётган миллий курашимизнинг эндиликда юздан ортиқ мамлакатга кенг ёйилиб, расмий мусобақалар ўтказилаётгани ҳақида тўлқинланиб гапиришди.

— Бу йилги «Баркамол авлод» мусобақалари аввалгиларидан фарқ қилади, — деди Тошкент давлат аграр университети жисмоний тарбия кафедраси мудири, халқаро тоифадаги ҳакам, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Аширбек Абдусатторов. — Кураш дастурига қизлар ўртасидаги беллашувлар ҳам киритилди. Унда илк бор Олимпия захиралари спорт коллежлари ўқувчилари ҳам қатнашиши кўзда тутилган. Бундан кўриниб турибдики, республика мусобақалари анча жиддий, қизгин тарзда ўтади. Уйлайманки, вилоятимиз вакиллари юзимизни ёруғ қилишдади.

Шундан сўнг мусобақаларга


старт берилди. 84 нафар полвон (9 нафар қизлар) совринли ўринлар учун беллашишди. Ўзбекистон чемпиони Дилшод Чориев (77 кг), Руслан Жумаев (50 кг), Мирали Шарипов, Озод Каримов (60 кг), Шавкат Муродов (65 кг)нинг иштирокидаги мусобақалари нуфузини янада оширди.

Мусобақанинг якуний натижаларига кўра, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни Чирчиқ шаҳри полвонлари қўлга киритишди. Иккинчи ўрин ангреник спортчиларга насиб этди. Қибрай тумани вакиллари

учинчи ўринни эгаллашди. Руслан Жумаев (Ангрен), Дилшод Минглиев (Қибрай), Раҳмон Фуломов (Чирчиқ), Хусниддин Тўраев (Ўртачирчиқ), Мирали Шарипов (Чирчиқ), Озод Каримов (Ангрен) ўз вазн тоифаларида биринчи ва иккинчи ўринларни қўлга киритишди. Чирчиқлик Шавкат Муродов, Элдор Умаров, Элдор Бектемиров, Дилшод Чориев, Шерали Пўлатов, Акмал Бердиқулов, қибрайлик Абдуқаҳҳор Назаров совринли ўринларни эгалладилар.

Қизлар орасида Феруза Исмоилова, Адолат Раҳматова, Нигора Малирова шохсупанинг юқори поғоналаридан жой олишди.

Хуршида НАЗАРОВА,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.



«Интерфакс» агентлигининг хабарига кўра, 2005 йил 17 февралда Қарағанда шаҳрида «Хизбут-тахрир» экстремистик ташкилотининг тарафдори қўлга олинган. Унинг ёнидан портловчи мослама ва экстремистик мазмундаги варақалар топилди.

«Хизбут-тахрир» аталмиш ташкилотнинг «беозор» аъзолари қўлга олинди

Вилоят полицияси матбуот хизматидан маълум қилишларича, вилоят ички ишлар бош бошқармаси уюшган жиноятчиликка қарши кураш бошқармаси ходимлари ўтган чоршанба кuni эрталаб «Хизбут-тахрир» тарафдорини қўлга олган. У ижарада турган хонадонда ўтказилган тинтув чоғида кўрпача тагидан араб ва рус тилларидаги экстремистик мазмундаги 140 та варақа топилди. Шунингдек, унинг ёнидан портловчи мослама чиқди.

Қирғизистоннинг «АКИ-пресс» ахборот агентлиги хабарларига кўра, шу кунларда ўш вилоятга ва шаҳри ички ишлар бошқармалари ходим-

лари махсус операция ўтказган. Унинг давомида Қорасув шаҳрида диний-экстремистик гуруҳлар билан алоқадорликда гумон қилинган 1976 йилда туғилган йигит қўлга олинди. Илгари судланган мазкур фуқаронинг уйдан салкам 1 килограмм портловчи модда, 2 та детонатор ва 28 сантиметр бикфорд ипи топилди. Бундан ташқари, унинг уйдан диний-экстремистик мазмундаги кўплаб варақалар, китоблар ва видеокассадлар чиқди.

Мавжуд маълумотларга кўра, қўлга олинган шахс «Хизбут-тахрир»нинг фаол аъзоларидан биридир.

ЎЗА.

Ҳокимлар ўқишмоқда

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятлари ҳокимлари ўринбосарлари, қишлоқ туманлари ҳокимларининг семинар-тренинг машғулоти бошланди.

Мазкур академия ректори Қ.Назаров бошқарган дастлабки машғулотда Президент Ислон Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар ўз самарасини бераётгани таъкидланди. Мамлакатимиз раҳбарининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида бу борада амалга ошириладиган муҳим устувор вазифалар бел-

гилаб берилди. Ун кун давом этадиган семинар-мунозаралар Юртбошимизнинг дастурий маърузасидан келиб чиқадиган муҳим йўналишлар – иқтисодиётни ислох қилиш ва эркинлаштиришнинг долзарб вазифалари, аграр тармоқдаги, ижтимоий соҳадаги янгилишлар, хавфсизлик ҳамда ташқи сиёсат билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратилади.

ЎЗА.

● Партиялар ҳаётидан

Вазифалар белгилаб олинди

Халқ демократик партиясидан халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгашига сайланган депутатлар ҳамда туман ва шаҳар партия кенгашлари биринчи котибларининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.

Депутатлар гуруҳини тузиш ҳақида қарор қабул қилинди. Гуруҳ раислигига Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши биринчи котиби Сирожиддин Аъзамов, раис ўринбосарлигига вилоят қасаба уюшмалари кенгаши раиси Муҳайё Тўлаганова, котиби этиб вилоят корейс миллий жамияти раиси Зоя Ан сайландилар.

Йиғилиш иштирокчиларининг эътибори партия кенгашларининг халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларида ташкил этилган депутатлар гуруҳлари билан ҳамкорликда олиб бориладиган ишларига ва бу борада ҳал этилиши керак бўлган бир қатор долзарб масалаларга қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси савдо-саноат палатаси Тошкент вилояти бошқармаси

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгилаб берилган иқтисодиётни эркинлаштириш, хусусий мулк улушини ошириш, тадбиркорлик учун эркин шароит яратиш, тадбиркорликни, кичик ва хусусий бизнесни ривожлантиришга ҳалал берувчи барча сунъий ғов ва тўсиқларни бартараф этиш борасидаги вазифалардан келиб чиққан ҳолда тадбиркорлар, мутахассислар, олимлар, талабалар ва барча манфаатдор кишиларга Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини, энг аввало солиққа тортиш ва солиқ бошқарувиға тегишли бўлган ҳужжатларни такомиллаштириш бўйича таклифларини киритишларини сўраб мурожаат этади.

Ушбу таклифларни умумлаштириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси савдо-саноат палатаси Тошкент вилояти бошқармаси қошида ва Ахборот маслаҳат марказида тегишли ишчи гуруҳлар ташкил этилган.

Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк ипак йўли кўчаси, 42-уй. Тел: 67-16-31, Факс: 67-17-30,

Олимлар иштирокида

Президентимиз Ислам Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир» маърузасида айтилган бу фикрлар ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда муҳим дастурил-амалдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида ўтган анжуман давлатимиз раҳбарининг мазкур маърузасида қўйилган вази-

фаларнинг ижросини таъминлашга доир доимий илмий-амалий семинарлар ташкил этишга бағишланди. Унда юртимизнинг таниқли олимлари иштирок этди.

Академия ректори Қ.Назаров бошқарган мазкур тадбирда Президентимиз маърузасида баён этилган «Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш концепцияси»нинг асосий вазифаларини ҳаётга кенг татбиқ этиш мақсадида доимий семинарлар ташкил этишга келишиб олинди.

Фарҳод УСМОНОВ,
ЎЗА мухбири.

«Турон»да янги адабиётлар



Вилоятимизнинг «Турон» кутубхонаси яна 12 мингдан зиёд адабиётлар билан бойитилди. Бу китоблар Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан кутубхонага бепул берилди.

— Адабиётлар асосан миллий мафкура, ёшларда Ватан туйғусини шакллантиришга мўлжалланган, — дейди «Турон» кутубхонаси директори

Вазира Собирова. — Уларнинг 8 мингдан ортигини Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши ака-



демияси, 4 мингтасини «Шарқ» нашриёт акциядорлик компанияси, қолганларини Фафур Фулом ва Чўлпон номидаги, шунингдек, «Ўзбекистон», «Ўқитувчи», «Энциклопедия» нашриётлари тақдим этди. Бу китобларнинг бир қисмини вилоятимизнинг чекка қишлоқларидаги кутубхоналарга Наврўз байрами арафасида тарқатишни режалаштирганмиз.

Қамолитдин АСҚАРОВ.

СУРАТДА: кутубхона ходимлари Рисолат Жамолова ва Гавҳар Рашидова китобхонага янги адабиётларни ҳозирламоқдалар.

Еркебой БОТИРОВ
олган сурат.

● Танлов

«Аёл омон бўлса...»

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси мамлакатимиз аёлларининг нуфузини, уларнинг жамият ҳаётида тугган ўрнини мустаҳкамлаш ва уларнинг юртимизда кечаётган демократик жараёнларда иштирокини кучайтириш, аёлларни эъзозлаш ва улуглаш мақсадида оммавий ахборот воситаларида фаолият юритаётган ижодкорлар ўртасида «Аёл омон бўлса...» танловини эълон қилди.

Иштирокчилар хотин-қизлар ҳаёти, ижоди, фаолияти, муаммолари, Ватанимиз равнақи йўлида қилинган ишлари ҳақида матбуот саҳифаларида ёритилган энг яхши мақола, телекўрсатув, лавҳа, радиоэшиттириш ва

фотокўргазмаларини тақдим этишлари лозим.

Танлов ғолиблари рўйхати 2005 йил 27 июнь — Матбуот ва оммавий-ахборот воситалари ходимлари байрами арафасида эълон қилинади.

«Туркистон-пресс».

Халқ таълими вазирлиги томонидан «Она-табиатни асранг!» мавзусида кўргазма-танлов ташкил этилди. Унда Республика болалар ижодиёти маркази ўқувчилари ишлаган расмларга кенг ўрин берилган.

«Она-табиатни асранг!»

Кўргазмада намоиш этилаётган суратларда болаларнинг олам ва одам ҳақидаги содда, самимий тасаввурлари акс этган. Бу ижод намуналари кишиларни табиатни асраб-авайлашга, унга нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлишга ундайди. Танловда Ирина Бучок биринчи, Фахриддин Яхшиев иккинчи, Наргиза Бакирова чизган расмлар учинчи ўринга лойиқ топилди.

ЎЗА.

Biz va Jahon

Ратификация ёрлиқлари алмашилди

17 февраль куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси ва Туркменистон ўртасида Дўстлик, ишонччи мустаҳкамлаш ва ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисидаги шартнома кучга киргани ҳақидаги ратификация ёрлиқлари алмашилди.

Ушбу ҳужжат Президент С.А.Ниёзовнинг ўтган йил 19 ноябрь куни мамлакатимизга қилган расмий ташрифи чоғида имзоланган эди.

Ратификация ҳужжатлари алмашув маросимида Ўзбекистон томонидан Бош вазир ўринбосари, Ташқи ишлар ва-

зири Э.Фаниев, Туркменистон томонидан ушбу мамлакатнинг Тошкентдаги элчиси С.Пирмухамедов иштирок этди.

Эътиборли томони шундаки, ушбу воқеа Туркменистон миллий байрами – Давлат байроғи куни арафасида рўй берди.

«Жаҳон» АА.

Даволаниш учун Германияга

Тошкент халқаро аэропортидан ўзбекистонлик олти нафар бемор болалар даволаниш учун Германияга юборилди.

«Фриденсдорф Интернейшнл» халқаро ташкилотининг грант маблағи ҳисобига 1-сонли Тошкент Давлат тиббиёт институти ва бир қатор вилоят клиникалари билан биргаликда 203 нафар республикамиздаги юқори лаб ва танглайнинг туғма нуқсонлари билан оғриган бемор болалар операция қилинди.

Жамғарма Сихат саломатлик йилига бағишланган хай-

рия тадбирларини давом эттирмоқда. Тошкент халқаро аэропортидан туғма лаб-танглай нуқсони, туғма пастки жағнинг нуқсони, пастки жағ ривожланиш аномалияси, куйшдан кейинги контрактура касалликларига чалинган олти нафар ўзбекистонлик болаларнинг даволаниш учун Германияга жўнатилаётганлиги шулар жумласидандир.

«Туркистон-пресс».

EXBS дастурининг амалдаги ижроси

Тошкентда Республика Миллий хавфсизлик хизматининг Давлат чегараларини қўриқлаш қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Соғлиқни сақлаш ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари АҚШ ҳукумати томонидан берилган асбоб-ускуналарни топшириш маросими ўтказилди.

252 та тўлқинли пейджер, 20 та «Ludlim» Гейгер счётчиклари, 8 та божхона назоратининг эшитиш тизими, 20 та зичлик ўлчагичлари, «Metor» русумли 18 та металл ва 60 та олиб юриладиган металл детекторлар ҳамда 34 та тунда кўриш дурбинларидан иборат мазкур асбоб-ускуналар АҚШ ҳукумати томонидан молиялаштирилаётган Чегара хавфсизлиги ва экспорт

назорат (EXBS) дастури доирасида келтирилди.

Жорий йилда мазкур дастур доирасида Тошкент аэропорти учун юкларни текширишга мўлжалланган рентген мосламаси ва БТР-80 бронетранспортерларига двигател ва шиналар келтирилади.

Алоуддин ҒАФҒОРОВ,
«Туркистон-пресс».

«Янгийўл ёғ-мой» очик акциядорлик жамияти қўйидаги очик танловни эълон қилади:

- 2005 йил учун бизнес-режа ишлаб чиқиш;
- инвестициялар устидан стратегик бошқарув тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- ташқи ва ички муҳитни таҳлил қилиш;
- комбинат фаолиятининг рақобатда устуворлигини яратиш ва самарасини ошириш бўйича таклифлар тайёрлаш.

Танлов шартлари бўйича қўйидаги манзилга мурожаат қилинсин:
Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри,
Самарқанд кўчаси 352. Телефон: (37160) 2-61-35
Факс: (37160) 2-61-27

Ҳурматли тадбиркорлар ва хусусийлаштирилган корхона аъзолари!

Сизга шуни маълум қиламизки, 2003 йилнинг сентябрь ойидан бошлаб, Давлат мулки қўмитасининг Тошкент вилояти бошқармасида «Ишонч телефони» ташкил этилиб, ишга туширилди.

Сиз 136-06-28 телефон рақамини териб, корхонанинг иш фаолиятига юқори ташкилотларнинг (ассоциация, вазирлик, компания, ҳокимият ва бошқа органлар) асоссиз аралашуви тўғрисида ахборот беришингиз мумкин. Ахборот берувчи шахс сир сақланади.

«Ишонч телефони» ҳар куни (шанба, якшанба ва байрам кунларидан ташқари) соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитасининг Тошкент вилояти бошқармаси маъмурияти.

Dushanba

21

«Ўзбекистон»

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Тахлилнома».
8.45 «Ноилож сайёдлар». Телесериал.
9.35 «Бизнес ҳафта».
9.50 «Кино, кино, кино».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилликлар.
10.05 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
11.30 Т. Жалилов номидаги халқ чолғулари оркестрининг концерти.
11.55, 14.30 ТВ анонс.
12.05 «Дастурхон

атрофида».
12.20 «Ўзим билан ўзим». Видеофильм.
13.20 «Қишлоқ ҳаёти».
13.40 Эстрада тароналари.
14.10 «2005 йил - Сихат-саломатлик йили». «Оламни асранг!»
14.35 «Одами эрсанг».
15.00 Кундузги сеанс: «Вашингтон майдонидаги уй». Бадий фильм.
«Болалар сайёраси»: 16.45 1. «Улғайиш поғоналари». 2. «Олтин тож». 3. «Ёлғончилар қасри». Мультфильм.
17.55 ТВ анонс.
18.10 «Ақл ва идрок».
18.30 Мумтоз наволар.

18.40 «Мулкдор».
19.00 «Мактуб - дил ойнаси».
19.25 «Ўзлото кундалиги» ва рекламалар.
19.30 «Аҳборот» (рус тилида)
19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Аҳборот».
21.05 «Фарз ва қарз».
21.25 «Ўзбегим юлдузлари» ашула ва ракс ансамблининг концерти.
21.55 «Ўзбекистон» телеканалда илк маротаба: «Бегона». Телесериал (Мексика)
22.55 «Оҳанглар оғушида».
23.05 «Аҳборот - дайжест».
23.25-23.30 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар»

16.55 Кўрсатувлар дастури.
17.00 «Давр» ҳафта ичида.
17.30, 19.35, 22.35 ТВ-анонс.
17.35 «Янги авлод» почтаси, Болалар шеърляти.
18.05 Сув - ҳаёт манбаи.
18.10 Ёшлар овози.
18.30 Тафаккур ёлқинлари.
18.45 ТВ-афиша.
18.50 Мумтоз наволар.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00, 22.00 Давр.
19.40 Кизил ҳудуд.
19.55 Мусикий лаҳзалар.
20.05 Ҳамкор - 2005.
20.15 Олис манзиллар.
20.35, 21.25 Эълонлар.
20.40 «Муҳаббат можароси». Телесериал.
21.30 Озод юрт фарзандлари.

21.50 Олтин мерос.
22.40 «Оқшом юлдузи». Дам олиш ва аҳборот дастури.
23.40 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури: Интерфутбол.
1.20-1.25 Хайрли тун.

«Тошкент»

17.05 Кўрсатувлар тартиби.
17.15 ТВда сериал: «Индаба».
17.40 «Табриқлаймиз-кутлаймиз».
18.00, 20.45 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Тиббиёт сизнинг хизматингизда».
18.30, 20.00, 20.55, 21.35 «Пойтахт» аҳборот дастури.
18.50 «Табриқлаймиз-кутлаймиз».
19.20 ТВда сериал: «Котиллик пайдан».
20.20 «Ёшлар даврасида».
21.15 «Мурувват».

21.55 Кинонигоҳ.
«Фақат сиздан кейин».
23.45-23.50 Хайрли тун, шахрим!

«Спорт»

7.30 «Хабарлар».
7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури.
8.45 «Хабарлар» (рус тилида)
9.05 «Муҳаббат тарихи». Кинокомедия.
11.40 Футбол бўйича Тошкент халқаро кубоги олдидан.
11.55-12.30 Мини футбол. Ўзбекистон кубоги.
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Хабарлар» (рус тилида)
17.15 «Болалар спорти».
17.30 «Икки тақдир». Бадий фильм.
18.00 Янгилликлар.
18.10 «Икки тақдир». Бадий фильм.

18.40 «Клон». Сериал.
19.40 «Мени кутгил».
21.00 «Время».
21.30 «Хабарлар».
21.45 «Спортмиз маликалари».
22.00 Премьера.
«Хақиқат». Сериал.
22.55 «Проф-РИНГ».
23.55 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

16.55 гача профиллактика ишлари
16.55 Ойроқчи прогамми
17.00 «Зарубежные клипы»
17.25 «Телехамкор»
17.45 «Детский час»
18.10 «Музыкальная пауза»
18.45 «Шахматист», сериал
19.45 «Ошикона», мусикий дастури
20.30 Юмористический сериал
21.00 «Телехамкор»
21.20 «Музыкальная пауза»
22.20 Киновечер на «30-м»:
«Жемчужина Нила», острозожетный фильм
24.00 Программа передач

Seshanba

22

«Ўзбекистон»

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Аҳборот».
8.35 ТВ анонс.
8.40 «Ноилож сайёдлар». Телесериал.
9.30 «Рангин дунё».
9.50 «Табиат шифохонаси».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилликлар.
10.05 «Мулкдор».
10.25 «Метичара - денгиз жонивори». Бадий фильм.
11.45 Мусикий танаффус.
11.55 ТВ анонс.
12.05 «Фарз ва қарз».
12.25 Опера санъати юлдузлари куйлайди.
12.45 «Сиз кутган учрашув».
13.15 «Бегона». Телесериал.
14.10 «Мактуб - дил ойнаси».
14.35 ТВ клип.
14.45 «Бу турфа

олам».
«Болалар сайёраси»: 15.35 1. «Кўшигим - жон кўшигим». 2. «Кувнок стартлар».
16.35 «Мусика ва театр».
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».
17.55 ТВ анонс.
18.10 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Матёкуб Кўшхонов».
18.35 «Таълим: ислохотлар йўлида».
18.55 «Куйла, ёшлигим».
19.10 «Тафсилот».
19.25 «Ўзлото кундалиги» ва рекламалар.
19.30 «Аҳборот» (рус тилида)
19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгилликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Аҳборот».
21.05 «Журналист тахлими».
21.25 «Хониш». Муси-

кий дастур.
21.55 «Ўзбекистон» телеканалда илк маротаба: «Бегона». Телесериал.
22.55 «Ободлик кўнгилдан бошланади».
23.15 «Оҳанглар оғушида».
23.25 «Аҳборот-дайжест».
23.45-23.50 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар»

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион-дам олиш дастури.
8.30 «Янги авлод» почтаси.
8.50 Олтин мерос.
8.55 Иқлим.
9.00, 13.00, 16.00 Давр.
9.25 «Муҳаббат можароси». Телесериал.
10.10 Катта танаффус.
10.30 «Ана, холос». Мультфильм.
10.40 Юртим сихатгоҳлари.
11.00 Куёшли юрт одамлари.
11.15, 16.10, 19.45,

22.35 ТВ - анонс.
11.20 «Экспедиция». Хужжатли сериал.
12.10 Чемпион сирлари (рус тилида)
12.30 Ёшлар овози.
12.50 Мусикий лаҳзалар.
13.10 Интерфутбол.
14.50 Болалар шеърляти.
15.00 Кизил ҳудуд.
15.15 «Даллас». Телесериал.
16.15 Олис манзиллар.
16.35 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Қиш».
16.45 Кўрсатувлар дастури.
16.50 «Янги авлод» студияси: Дунё ва болалар.
17.10 Телевикторина.
17.15 Ёшлар куйлаганда.
17.30 Янги алифбони ўрганамиз.
17.45 Каратэ - 2004. Ийл якунлари.
18.05 16 га кирмаган ким бор?
18.25 1001 маслаҳат.
18.45 ТВ-афиша.
18.50 Мумтоз наволар.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00, 22.00 Давр.
19.35 «Давр» - репор-

таж.
19.50 Дийдор.
20.10 Ёшлар овози.
20.30 ТВ - адвокат.
20.35, 21.25 Эълонлар.
20.40 «Муҳаббат можароси». Телесериал.
21.30 Ҳандалак. 1-қисм.
21.50 Олтин мерос.
22.40 «Кавингтон Кросс». сериал. 1-қисм.
23.30 Футбол-плюс.
23.50-23.55 Хайрли тун.

«Тошкент»

17.05 Кўрсатувлар тартиби.
17.15 ТВда сериал: «Индаба».
17.40 «Табриқлаймиз-кутлаймиз».
18.00, 20.40 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Мультичархпалак».
18.30, 20.00, 20.50, 21.40 «Пойтахт» аҳборот дастури.
18.50 «Табриқлаймиз-кутлаймиз».
19.20 ТВда сериал: «Котиллик пайдан».
20.20 «Инсон ва қонун».
21.10 «Туризм хақида».
21.45 «Ўзбегим навола-

ри». Мусикий дастур.
22.20 Кинонигоҳ: «Нью-Йоркда куз».
24.00-00.05 Хайрли тун, шахрим!

«Спорт»

7.30 «Хабарлар».
7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури.
8.45 «Хабарлар» (рус тилида)
9.05 «Денгиз юлдузининг кавалерлари». Сериал.
10.10 «Болалар спорти».
10.25 Дисней клуб.
10.45 Мини футбол.
11.20-12.20 Профессионал баскетбол.
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Хабарлар» (рус тилида)
17.15 «Болалар спорти».
17.30 «Икки тақдир». Бадий фильм.
18.00 Янгилликлар.
18.10 «Икки тақдир».
18.40 «Клон». Сериал.
19.40 «Кийиш кузгу».
21.00 «Время».
21.30 «Хабарлар».
21.45 «Спорт - менинг

ҳаётим».
22.00 Премьера.
«Хақиқат». Сериал.
22.55 Футбол. «Тошкент халқаро турнири». «Локомотив» (Тбилиси) - «Пюник» (Ереван)
«Трактор» стадиондан олиб кўрсатилди.
23.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

12.00 Ойроқчи прогамми
12.05 «Телехамкор»
12.25 «Детский час»
12.50 «Шахматист», сериал
14.00 Художественный фильм
«Жемчужина Нила», острозожетный фильм
15.40 «Ошикона», мусикий дастури
16.25 «Тайны мира», познавательная передача
17.25 «Телехамкор»
17.45 «Детский час»
18.10 «Музыкальная пауза»
18.45 «Шахматист», сериал
19.45 «Ошикона», мусикий дастури
20.30 Юмористический сериал
21.00 «Телехамкор»
21.20 «Музыкальная пауза»
22.20 Киновечер на «30-м»:
«Няньки», комедия
24.00 Программа передач

Chorshanba

23

«Ўзбекистон»

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Аҳборот».
8.35 «Ноилож сайёдлар». Телесериал.
9.25 «Ақл ва идрок».
9.45 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Тарих кўзгуси».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилликлар.
10.05 «Тафсилот».
10.20 «Ана Бумбо келди». Бадий фильм.
11.35 «Ободлик кўнгилдан бошланади».
11.55 Мусикий танаффус.
12.05 Болалар учун. «Саргузаштлар ороли».
12.35, 13.00 ТВ анонс.
12.40 «Созлар садоси».
13.05 «Бегона». Телесериал.
13.50 ТВ клип.
14.10 «Журналист

тахлими».
14.30 «Таълим: ислохотлар йўлида».
14.50 «Ягона оилада».
15.20 Эстрада кинокомедия: «Ишбилармон кишилар». Бадий фильм.
«Болалар сайёраси»: 16.40 1. «Болалиқнинг мовий осмони». 2. «Кизикарли учрашувлар».
17.40 «Соната» ансамблининг концерти.
18.10 2005 йил - Сихат-саломатлик йили».
«Билмайин босдим тиканни».
18.30 Бир жуфт кўшиқ.
18.40 Репортаж.
18.45 «Ҳаёт ва қонун».
19.05 ТВ анонс.
19.10 «Пластик картонкалар ҳамма учун фойдали».
19.15 «Ўзлото». Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Аҳборот» (рус тилида)

20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 «Юзма-юз».
20.30 «Аҳборот».
21.05 «Муносабат».
21.35 «Навоий гулшани». Адабий-мусикий композиция.
22.05 «Ўзбекистон» телеканалда илк маротаба: «Бегона». Телесериал.
23.05 «Оҳанглар оғушида».
23.10 «Аҳборот-дайжест».
23.30-23.35 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар»

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион-дам олиш дастури.
8.30 «Янги авлод» студияси: Дунё ва болалар.
8.50 Олтин мерос.
8.55 Иқлим.
9.00, 13.00, 16.00 Давр.
9.25 «Муҳаббат можароси». Телесериал.
10.10 «Давр»-репортаж.
10.20 Футбол-плюс.
10.40 Дийдор.
11.00 Ҳаҳон жуғрофияси.

11.50 Мейёр - соғлиқ гарови.
12.10 Озод юрт фарзандлари.
12.30 Ёшлар овози.
12.50 Мусикий лаҳзалар.
13.10, 19.35, 22.35 ТВ - анонс.
13.15 «Ака - ука Гримм эртақлари». Мультсериал.
13.40 «Илонлар водийсининг касофати». Бадий фильм.
15.15 «Даллас». Телесериал.
16.10 Янги алифбони ўрганамиз.
16.25 Хуш келибсиз!
16.50 Кўрсатувлар дастури.
16.55 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар.
17.15 Тендошлар.
17.35 Огоҳлик - давр талаби.
17.55 Ёшлар овози.
18.15 Автопатрул.
18.35 Каталог.
18.45 ТВ-афиша.
18.50 Мумтоз наволар.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00, 22.00 Давр.
19.40 Сийрат.
20.00 Спорт-лото.
20.10 Очил дастурхон.
20.30 ТВ - адвокат.
20.35, 21.25 Эълонлар.

20.40 «Муҳаббат можароси». Телесериал.
21.30 Ҳандалак. 2-қисм.
21.50 Олтин мерос.
22.40 «Кавингтон Кросс». сериал. 2-қисм.
23.30 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури: Ринг қироллари.
0.20-0.25 Хайрли тун.

«Тошкент»

17.05 Кўрсатувлар тартиби.
17.15 ТВда сериал: «Индаба».
17.40 «Табриқлаймиз, кутлаймиз».
18.00, 20.45 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Мусикий мехмонхона».
18.30, 20.00, 20.55, 21.35 «Пойтахт» аҳборот дастури.
18.50 «Табриқлаймиз-кутлаймиз».
19.20 ТВда сериал: «Котиллик пайдан».
20.20 «Аёл она, мураббий раҳбар» телеклуби.
21.15 «Билим» телеклуби.
21.55 Кинонигоҳ: «Уй қамоғи».
23.45-23.50 Хайрли тун,

шаҳрим!

«Спорт»

7.30 «Хабарлар».
7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури.
8.50 «Денгиз юлдузининг кавалерлари». Сериал.
10.00 «Хабарлар» (рус тилида)
10.15 «Болалар спорти».
10.30 «Кувнок стартлар».
11.05 Кикбоксинг. Ўзбекистон чемпионати.
11.35 Мини футбол.
12.10-13.00 Бяллон. Жаҳон кубоги.
16.40 Кўрсатувлар тартиби.
16.45 «Хабарлар» (рус тилида)
17.00 Футбол. «Тошкент халқаро турнири»
«Сконто» (Рига) - Беларуссия ёшлар терма жамоаси «ЖАР» стадиондан тўғридан-тўғри олиб кўрсатилди.
17.50 «Болалар спорти».
18.05 Мультфильм.
18.10 «Кулгули одамлар».
19.50 «Денгиз юлдузи-

нинг кавалерлари».
Сериал.
21.00 «Время».
21.20 «Спорт-клуб».
21.30 «Хабарлар».
21.45 «Спорт - менинг ҳаётим».
22.00 Премьера.
«Хақиқат». Сериал.
23.00 «3-тайм».
23.15 «Баҳодирлар ўйини».
23.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

12.00 Ойроқчи прогамми
12.05 «Телехамкор»
12.25 «Детский час»
12.50 «Шахматист», сериал
14.00 Художественный фильм
«Няньки», комедия
15.40 «Хи-коя»
16.00 Спорт-экстрим
16.25 «Тайны мира», познавательная передача
17.25 «Телехамкор»
17.45 «Детский час»
18.10 «Музыкальная пауза»
18.45 «Полицейский Кэтс и его собака», сериал
19.45 «Ошикона», мусикий дастури
20.30 Юмористический сериал
21.00 «Телехамкор»
21.20 «Музыкальная пауза»
22.20 Киновечер на «30-м»:
«Свободное падение», острозожетный фильм
24.00 Программа передач

Payshanba

24

«Ўзбекистон»

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Аҳборот».
8.35 ТВ анонс.
8.40 Мумтоз наволар.
«Болалар сайёраси»: 9.00 1. «Болалиқнинг мовий осмони». 2. «Кизикарли учрашувлар».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилликлар.
10.05 «Билмасвойнинг ойдаги саёҳати». Мультфильм. 1-қисм.
11.20 «2005 йил - Сихат-саломатлик

йили». «Соғлиғинг ўз қўлингда».
11.40 Дутор ва танбур тароналари.
12.05 «Ҳаёт ва қонун».
12.25, 14.30 ТВ анонс.
12.30 «Ҳаракатда баракат».
12.45 «Экран хандаси».
13.15 «Бегона». Телесериал.
14.10 «Ўзбекистон бастакорлари». Б. Лутфуллаев.
14.35 Кундузги сеанс: «Доно Мондухай хоним». Бадий фильм. 1-қисм.
«Болалар сайёраси»: 15.45 1. «Болалар

спорт».
2. «Цирк, цирк».
3. «Қурбақа малика». Мультфильм.
17.25 «Мувозанат».
17.45 «Харита». Халқаро шарҳ.
18.10 «Мусика: кеча ва бугун».
18.30 «Яшиш нияти». Телелотерея.
18.55 Бир жуфт кўшиқ.
19.05 «Ҳаётимиз қомуси».
19.25 «Ўзлото кундалиги» ва рекламалар.
19.30 «Аҳборот» (рус тилида)
19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгилликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Аҳборот».
21.05 Телемулоқот.

21.50 «Келин-куёв» кўрсатуви саҳифалари-дан.
22.40 «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи».
23.40 «Оҳанглар оғушида».
23.50 «Аҳборот-дайжест».
00.10-00.15 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар»

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион-дам олиш дастури.
8.30 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар.
8.50 Олтин мерос.
8.55 Иқлим.
9.00, 13.00, 16.00 Давр.
9.25 «Муҳаббат можароси». Телесериал.

10.10 Тендошлар.
10.30 Болалар экрани: «Кизил гул».
11.10 Телевикторина.
11.15 «Экспедиция». Хужжатли сериал.
12.05 Чемпион сирлари (рус тилида)
12.30 Ёшлар овози.
12.50 Мусикий лаҳзалар.
13.10, 16.10, 19.45, 22.35 ТВ - анонс.
13.15 «Ака-ука Гримм эртақлари». Мультсериал.
13.40 «Кавказ асира-син». Бадий фильм.
14.55 Сийрат.
15.15 «Даллас». Телесериал.
16.15 16 га кирмаган ким бор?
16.35 Автопатрул.
16.55 Очун.
17.20 Кўрсатувлар

дастури.
17.25 Мехмонхона.
17.50 «Мультимоша».
18.05 Ёшлар куйлаганда.
18.20 Табобат оламида.
18.45 ТВ-афиша.
18.50 Мумтоз наволар.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00, 22.00 Давр.
19.35 «Давр»-репортаж.
19.50 Ёшлар овози.
20.10 Мусикий лаҳзалар.
20.20 Ўзимизники.
20.30 ТВ - адвокат.
20.35, 21.25 Эълонлар.
20.40 «Муҳаббат можароси». Телесериал.
21.30 Мезон.
21.50 Олтин мерос.
22.40 «Кавингтон Кросс». сериал. 3-қисм.
23.30 Цирк, цирк, цирк.

23.45-23.50 Хайрли тун.

«Тошкент»

17.05 Кўрсатувлар тартиби.
17.15 ТВда сериал: «Индаба».
17.40 «Табриқлаймиз-кутлаймиз».
18.00, 20.40 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Хайрли оқшом».
18.30, 20.00, 20.50, 21.30 ТВ - адвокат.
20.35, 21.25 Эълонлар.
20.40 «Муҳаббат можароси».
21.30 Мезон.
21.50 Олтин мерос.
22.40 «Кавингтон Кросс» сериал. 3-қисм.
23.30 Цирк, цирк, цирк.

21.50 «Химоя».
22.10 Кинонигоҳ:
«Гуливернинг
саҳатлари». 1-
қисм.
23.25-23.30 Хайрли
тун, шахрим!
«Спорт»
7.30 «Хабарлар».
7.45 «Бардам
бўлинг». Тонгги дам

олиш дастури.
8.45 «Хабарлар» (рус
тилида)
9.00 «Болалар спорти».
9.15 «Жаҳон футбол».
9.45 Кикбоксинг.
Ўзбекистон чемпионати.
10.15 «Футзал чорра-
халарида».
10.30 «Спорт маскан-
ларида».
10.45 Кучли бешлик.

11.35-13.10 Мини
футбол.
15.55 Курсатувлар
тартиби.
16.00 Футбол. «Тош-
кент халқаро турни-
ри» «Пахтакор»
(Тошкент) - «Локомо-
тив» (Тбилиси) «Пахта-
кор» стадиондан
тўғридан-тўғри олиб
кўрсатилади. Танаф-

фусда «Хабарлар» (рус
тилида)
17.40 «Болалар
спорти».
17.55 Мультфильм.
18.10 «Икки тақдир».
Бадий фильм.
18.40 «Клон». Серил.
19.50 «Евлампа
Романова шахсий
изкуварни яхши

кўради-2». Детектив.
21.00 «Время».
21.30 «Хабарлар».
21.45 «Спорт - менинг
хаётим».
22.00 Премьера.
«Хақиқат». Серил.
23.00 Жаҳон спорти:
«Еврофутбол».
00.35 «Тунингиз осуда
бўлсин!»

30-канал
12.00 Очиртиш про-
грамми 12.05 «Телехам-
кор» 12.25 «Детский час»
12.50 «Полицейский Кэс
и его собака», серил
14.00 Художественный
фильм «Свободное паде-
ние», остросюжетный
фильм 15.40 Спорт-экст-
рим 16.25 «Тайны мира»,
познавательная передача

17.25 «Телехамкор»
17.45 «Детский час»
18.10 «Музыкальная пау-
за» 18.45 «Полицейский
Кэс и его собака», серил
19.45 «Ошикона», муси-
кий дастури 20.30
Юмористический серил
21.00 «Телехамкор»
21.20 «Музыкальная пау-
за» 22.20 Киновечер на
«30-м»: «Тутси», комедия
24.00 Программа передач

Juma

25

«Ўзбекистон»
6.00 «Ассалом,
Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ анонс.
«Болалар сайёраси»:
8.40 1. «Болалар
спорти». 2. «Цирк,
цирк, цирк».
9.40 «Ўзбектеле-
фильм» намоиши:
«Миниатюра ранг
тавсири». «Хива».
10.00, 12.00, 14.00,
18.00 Янгиликлар.
10.05 «Билмасво-
нинг ойдаги саёх-
ти». Мультфильм. 2-
қисм.
11.30 «Ўзлинг
намоён қил».
Экранда - Самарқанд
вилояти.
11.50 ТВ клип.
12.05 «Хайтимиз
комуси».
12.25 «Анъаналар
этади давом»
Мусликий дастур.
12.55, 14.55 ТВ анонс.
13.00 Г. Г. Маркес.
«Эзилмаган макту-
б». Абдор Хидоят
номидаги ўзбек
давлат драма театри-

нинг спектакли.
14.10 Телмулоқот.
15.00 Мусликий танаф-
фус.
15.05 Кундузги сеанс:
«Дано Мондухай
хоним». Бадий
фильм. 2-қисм.
16.05 2005 йил -
Сихат-саломатлик
йили. «Меҳр-мурувват
ёғдуси».
«Болалар сайёраси»:
16.25 1. «Балик тилга
кирганда». Мульт-
фильм. 2. «Санъат
гунчалари». 3. «Уйла,
Изла, Топ!». Телемусо-
бака.
17.35 «Истеъдод».
Мусликий дастур.
17.55 ТВ анонс.
18.10 «Антика томо-
ша».
18.40 «Тафсилот».
19.00 «Зиё» студияси
намоиши этади:
«Этикод мустақам-
лиги йўлида».
19.20 «Пластик
карточкалар ҳамма
учун фойдали».
19.25 «Узлото кунда-
лиги» ва рекламалар.
19.30 «Ахборот» (рус
тилида)

19.55, 20.25, 21.00
Эълонлар.
20.00 «Оқшом эртақ-
лари».
20.15 «Дастурхон
атрофида».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Сиёсат олами-
да».
21.25 «Кўшигимиз
Сизга армуғон».
21.45 «Ўзбекистон»
телеканалда илк
маротаба: «Ошиқлар».
Бадий фильм. 1-қисм.
23.05 «Оҳанглар
оғушида».
23.10 «Ахборот-
дайжест».
23.30-23.35 Ватан
тимсоллари.

«Ёшлар»
6.55 Курсатувлар
дастури.
7.00 «Мунаввар тонг».
Информацион-дам
олиш дастури.
8.30 Меҳмонхона.
8.55 Иқлим.
9.00, 13.00, 16.00
Давр.
9.25 «Муҳаббат
можароси». Телесери-
ал.
10.10 «Давр»-репортаж.
10.20 Болалар экрани:
«Чипполино».
11.00 Томорка.
11.10 1001 маслаҳат.
11.30 «Экспедиция».

Хужжатли серил.
12.20 13.10, 19.35,
22.35 ТВ - анонс.
12.25 Ёшлар овози.
12.45 Телевикторина.
12.50 Мусликий лаҳза-
лар.
13.15 «Ака-ука Гримм
эртақлари». Мультсе-
риал.
13.40 «Мимино».
Бадий фильм.
15.05 Узимизники.
15.15 «Даллас».
Телесериал.
16.10 Оғоҳлик - давр
талаби.
16.30 Келинг, кулишай-
лик.
16.50 Мезон.
17.10 Курсатувлар
дастури.
17.15 «Янги авлод»
студияси: У ким? Бу
нима?
17.35 Кишлоқ шифоко-
ри.
17.55 Томир.
18.15 ТВ-дорихона.
18.25 Кишлоқдаги
тенгдошим.
18.45 ТВ-афиша.
18.50 Мумтоз наволар.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00, 22.00 Давр.
19.40 Мусликий лаҳза.
19.45 Аскар мактубла-
ри.
20.05 Меҳр кўзда.
20.50 ТВ - адвокат.
20.55, 21.45 Эълонлар.
21.00 «Муҳаббат

можароси». Телесери-
ал.
21.50 Олтин мерос.
22.40 Кинотақдим.
23.00 «Кавингтон
Кросс». серил. 4-
қисм.
23.50 «Ёшлар» телека-
налда спорт дастури:
Интерфутбол.
0.40-0.45 Хайрли тун.
«Тошкент»

17.05 Курсатувлар
тартиби.
17.15 ТТВда серил:
«Индаба».
17.40 «Табриқлаймиз-
кутлаймиз».
18.00, 20.40 «Эксп-
ресс» телегазетаси.
18.10 «Дугоналар».
18.30, 20.00, 20.50,
22.15 «Пойтахт»
ахборот дастури.
18.50 «Табриқлаймиз,
кутлаймиз».
19.20 ТТВда серил:
«Котиллик пайдан».
20.20 «Имконият».
21.10 «Пойтахт
йўлларида».
21.25 «Дорихона
эшитди». БевоСИта
мулоқот.
22.35 Кинонигоҳ:
«Гуливернинг саёхат-
лари». 2-қисм.
23.50-23.55. Хайрли
тун, шахрим!

«Спорт»
7.30 «Хабарлар».
7.45 «Бардам бўлинг».
Тонгги дам олиш
дастури
8.45 «Хабарлар» (рус
тилида)
9.05 «Денгиз юлдузи-
нинг кавалерлари».
Серил.
10.10 «Болалар
спорти».
10.25 «Нокаут».
10.55 «Кучли бешлик».
11.45-12.15 «Дунё
манзаралари».
16.55 Курсатувлар
тартиби.
17.00 «Хабарлар» (рус
тилида)
17.15 «Болалар
спорти».
17.30 «Белида бел-
боғи борлар».
17.50 «Спорт - клуб».
Ринг.
18.20 Хужжатли фильм.
18.50 «Спорт - клуб».
Кураш.
19.15 «Дадиллик учун
соврин».
19.35 «Спорт - менинг
хаётим».
19.50 «Мўъжизалар
майдони».
21.00 «Время».
21.25 «Хабарлар».
21.40 «Ўзбекистон
ифтихори».
22.00 Премьера.
«Хақиқат». Серил.

23.00 Футбол.
«Тошкент халқаро
турнири». Украина
олимпиа терма
жамоаси - «Сконт»
(Рига) «Трактор»
стадиондан олиб
кўрсатилади.
23.50 «Жаҳон
спорти: Снукер».
00.50 «Тунингиз
осуда бўлсин!»
30-канал

12.00 Очиртиш про-
грамми 12.05 «Телехам-
кор» 12.25 «Детский
час» 12.50 «Полицейс-
кий Кэс и его собака»,
серил 14.00 Художес-
твенный фильм «Тут-
си», комедия 15.40
«Ошикона», мусикий
дастури 16.25 «Тайны
мира», познавательная
передача 17.25 «Теле-
хамкор» 17.45 «Детский
час» 18.10 «Музыкаль-
ная пауза» 18.45 Звез-
ды ринга на «30-м»: лу-
шие поединки звезд
профессионального и
любительского бокса.
19.45 «Ошикона», муси-
кий дастури 20.30 «Аёл-
лар орзуси» - передача
для жёншн 21.00 «Теле-
хамкор» 21.20 «Му-
зыкальная пауза» 22.20
Киновечер на «30-м»:
«Офицер и джентль-
мен», мелодрама 24.00
Программа передач

Shanba

26

«Ўзбекистон»
6.00 «Ассалом,
Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ анонс.
8.40 Республика
Курали Кучлари
бадий жамоалари-
нинг концерти.
«Болалар сайёраси»:
9.00 1. «Санъат
гунчалари». 2.
«Уйла, Изла, Топ!»
Телемусобака.
10.00 «Зиё» студияси
намоиши этади:
«Этикод мустақам-
камлиги йўлида».
10.20 «Муслика
дунёси».
10.40 «Бу турфа
олам».
11.30 «Тафсилот».
11.50 «Афсонавий
мамлакат». Мульт-
фильм премьераси.
13.15, 14.55 ТВ анонс.
13.20 «Хониш».
Мусликий дастур.
13.50 «Бокиралик
асри». Бадий фильм.
1-қисм.
15.00 «Антика томо-
ша».
15.30 «Дўстлик»
студияси: 1. «В
добрый хате». 2

«Бизнен мирас». 3.
«Истоки».
16.30 ТВ анонс.
16.35 «Табият шифо-
хонаси».
16.45 Болалар учун.
«Саргузаштлар
орили».
17.15 «Гап чикди»
почтасидан.
17.30 «Изҳор».
17.50 «Рангин дунё».
18.10 «Интеллектуал
ринг».
18.55 «Кишлоқ хаёти».
19.15 «Узлото».
Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.25,
21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус
тилида)
20.00 Оқшом эртақла-
ри.
20.15 FCN «Ўзбеки-
стон янгиликлари»
(инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Киёфа».
21.30 Ўзбекистон халқ
артистлари куйлайди.
«Тунги ёғду». Дам олиш
дастури:
21.50 «КиноТеатр».
22.10 «Ўзбекистон»
телеканалда илк
маротаба: «Ошиқлар».
Бадий фильм. 2-қисм.

23.30 «Ахборот-
дайжест».
23.50-23.55 Ватан
тимсоллари.

«Ёшлар»
6.55 Курсатувлар
дастури.
7.00 «Мунаввар тонг».
Информацион-дам
олиш дастури.
8.30 «Янги авлод»
студияси: У ким? Бу
нима?
8.50 Олтин мерос.
8.55 Иқлим.
9.00 Давр.
9.25 «Муҳаббат
можароси». Телесери-
ал.
10.10 ТВ - дорихона.
10.20 Оҳанрабо.
11.00 Томир.
11.20 Табобат оламида.
11.45 «Маҳобҳорат».
Телесериал.
12.30 Кишлоқдаги
тенгдошим.
12.50 «Шум бола».
Бадий фильм.
14.20 Интерфутбол.
16.00, 22.35 ТВ -
анонс.
16.05 Курсатувлар
дастури.
16.10 «Янги авлод»
студияси: Бўш ўтирма.
16.35 Бола тилидан.
17.05 Нигоҳ.
17.45 Қалпоқ.
18.15 Йўлдан адашма.
18.35 Каталог.
18.45 ТВ-афиша.

18.50 Мумтоз наволар.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00, 22.00 Давр.
19.35 «Заковат».
Интеллектуал ўйин.
20.35 Кутилмаган
меҳмон.
21.00, 21.50 Эълонлар.
21.05 Жаҳон маданияти
хазинасидан: «Маҳоб-
ҳорат». Телесериал.
22.40 «Ишонч заволи».
Бадий фильм.
0.10-0.15 Хайрли тун.
«Тошкент»

17.05 Курсатувлар
тартиби.
17.15 «Мультчархпа-
лак».
17.40 «Табриқлаймиз-
кутлаймиз».
18.00, 20.00 «Эксп-
ресс» телегазетаси.
18.10 Жаҳон географи-
яси.
18.40 «Афиша».
19.00 «Табриқлаймиз-
кутлаймиз».
19.30 «Экран зийнати
ва киймати».
20.10 «Биргалиқда
куйлаймиз».
20.55 «Нима учун?»
21.25 ТТВда премьераси:
«Уммон тубида».
23.10-23.15 Хайрли тун,
шахрим!
«Спорт»
7.30 «Хабарлар».
7.45 «Бардам бўлинг».
Тонгги дам олиш
дастури.

8.45 «Хабарлар» (рус
тилида)
9.00 «Болалар
спорти».
9.15 Жаҳон спорти:
Теннис.
10.10 «Лаззат».
10.30 Машхурлар. В.
Толкунова.
11.10 Хужжатли фильм.
12.00 Футзал. Ўзбеки-
стон чемпионати
«Гулбахор» - «Се-
винч».
12.30 «Гиннес рекорд-
лари».
13.00-13.50 «Кучли
бешлик».
16.00 Футбол. «Тош-
кент халқаро турни-
ри» «Пюник» (Ереван)
- «Пахтакор» (Тош-
кент) «Пахтакор»
стадиондан тўғридан-
тўғри олиб кўрсатила-
ди. Танафусда
«Хабарлар» (рус
тилида)
17.40 «Болалар
спорти».
18.00 Мультфильм.
18.10 Концерт дастури.
20.00 «Ким миллионер
бўлишни истади?»
Телеўйин.
21.00 «Время».
21.20 «Спорт-клуб».
21.30 «Хабарлар».
21.45 «Кўнгил -
кўнгилга пайванд».
22.30 «Олтин граммо-
фон».
23.40 «Тунингиз осуда

бўлсин!»
30-канал

9.00 Очиртиш про-
грамми 9.05 «Телехам-
кор» 9.25 «Детский час» 9.50
Фильм детям: «Все псы
попадают в рай», мульт-
фильм 11.20 «Окно в
мир», документальный
фильм 11.40 Звезды рин-
га на «30-м»: Лучшие по-
единки звезд профессио-
нального и любительско-
го бокса 12.50 Спорт-
экстрим 13.25 «Детский
час» 13.50 Индийское

кино: «Бобби» 16.30 Бол-
лалар соати 17.25 «Теле-
хамкор» 17.45 «Ошико-
на», мусикий дастури 18.30
Киновечер на «30-м»: «Мы
не ангель», комедия 20.00
«Озгина-Созгина» - сов-
местный проект «30-го
канала» и муз.центра
«Соз». 20.20 Хит-
парад.uz 21.40 «Теле-
хамкор», фойдали газета
22.00 «Родственный об-
мен», серил 23.00 «Ноч-
ной канал»: «Маска Зор-
ро», приключения

Yakshanba

27

«Ўзбекистон»
6.00 «Ассалом,
Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Камалак».
Болалар учун
кинодастури.
10.00 «Ватанимга
хизмат қиламан».
11.00 «Онлар
мактаби».
11.20 «Жаҳон эстра-
даси».
11.40 «Карлсоннинг
қайтиши». Мульт-
фильм.
12.00, 14.35 ТВ анонс.
12.05 «Алифбо
сабоқлари».
12.25 «Интеллектуал
ринг».
13.10 «Бокиралик
асри». Бадий
фильм. 2-қисм.
14.00 «Қорақалпоқ-
нома».
14.20 «Портретга
чизгилар».
14.40 «Кўҳна замин
оҳанглари».
15.00 «Дўстлик»
студияси: 1. «Рангин-
камон». «Дидар». 3.

«Айчурек». 4. «Гар-
дашлиг дунёсинда».
16.20 «Шеърга кўчган
кўнгил».
«Болалар сайёраси»:
16.35 1. «Фаройиб-
кентга саёхат». 2.
«Олтин тож».
17.35 «Шахсий фикр».
18.05 Бир жуфт кўшиқ.
18.15 «Иктидор».
Телеўйин.
19.05 «Масъул сўз».
19.25, 20.00, 20.25,
21.10 Эълонлар.
19.30 «Тахлилнома»
(рус тилида)
20.05 «Олам».
20.30 «Тахлилнома».
21.15 «Яхшилик».
21.40 «Кўшигимиз
Сизга армуғон».
«Якшанба кинозали»:
22.00 «Ўзбекистон»
телеканалда илк
маротаба: «Сизга
мактуб». Бадий
фильм.
23.50-23.55 Ватан
тимсоллари.
«Ёшлар»
6.55 Курсатувлар

дастури.
7.00 «Мунаввар тонг».
Информацион-дам
олиш дастури.
8.30 «Янги авлод»
студияси: Бўш ўтирма.
8.55 «Буюк ёпилиш».
«Шалпангулоқ».
Мультфильмлар.
9.15 Қалпоқ.
9.45 Очил дастурхон.
10.05 Ёшлик наволар.
10.15 Кинотақдим.
10.35 Хамкор - 2005.
10.45 «Мульттомоша».
11.00 Аскар мактубла-
ри.
11.20 «Маҳобҳорат».
Телесериал.
12.05, 16.30, 17.25,
19.30 ТВ - анонс.
12.10 «Қилни қирқ
ёриб». Интеллектуал
ўйин.
13.00 «Никобдаги
Зорро». Бадий
фильм. 1-қисм.
14.10 Чемпион сирла-
ри.
14.30 «Никобдаги
Зорро». Бадий
фильм. 2-қисм.
15.45 Меҳр кўзда.
16.35 Ринг қироллари.
17.30 Курсатувлар
дастури.
17.35 «Янги авлод»
студияси: Уй вазифа-
си.

17.55 Спорт ҳафтано-
маси.
18.10 Сув - ҳаёт манбаи.
18.15 «Қаҳқаҳа»
хангомалари.
18.45 ТВ - афиша.
18.50 Мумтоз наволар.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр» ҳафта
ичида.
19.35 Дилшод Раҳмо-
нов куйлайди.
19.55, 20.45 Эълонлар.
20.00 Жаҳон маданияти
хазинасидан: «Маҳоб-
ҳорат». Телесериал.
20.50 Оҳанрабо.
21.30 «Оқшом юлду-
зи». Дам олиш ва
ахборот дастури.
22.30 «Океан тубида».
Бадий фильм.
0.15-0.20 Хайрли тун.
«Тошкент»
ТОШКЕНТ
ТЕЛЕКАНАЛИ
ИЖОДҚОРЛАРИ 2005
ЙИЛНИНГ СИҲАТ-
САЛОМАТЛИК ЙИЛИ
ДЕБ ЭЪЛОН
КИЛИНИШИ
МУНОСАБАТИ БИЛАН
ЎТҚАЗИЛАЁТГАН
«4 КАРРА ЙЎҚ»
ТЕЛЕМАРОФОННИ
15.00 ДАН
1.30 ГАЧА ЭФИРГА
УЗАТАДИ.

«Спорт»
7.30 «Хабарлар».
7.45 «Бардам бўлинг».
Тонгги дам олиш
дастури.
8.45 «Хабарлар» (рус
тилида)
9.00 «Болалар
спорти».
9.20 Мультфильм.
9.35 «Кувноқ старт-
лар».
10.10 Д. Криловнинг
«Йўлда ёзилмаган
қайدلари».
10.30 «Хамма уйдали-
гида».
11.10 «Соғлом овқат-
ланиш сирлари».
Инглиз тилида.
11.20 «Рақибингиз
гроссмейстер».
11.40 Жаҳон футбол.
12.10 «Профессионал
бокс тарихидан».
13.10 Дисней клуб.
13.40 «Қишки хазил».
14.10-14.40 Хужжатли
фильм.
16.40 Курсатувлар
тартиби.
16.45 «Хабарлар» (рус
тилида)
17.00 Футбол. «Тош-
кент халқаро турни-
ри». Белоруссия
ёшлар терма жамоаси
- Украина олимпиа

Собир Раҳимов туман ҳокимлиги томонидан хусусий тадбиркор Маджидов Муроджон Уткурович номига 16 сентябрь 2004 йилда берилган 0-0766 рақамли гувоҳнома ва ҳисобга олиш картаси йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Собир Раҳимов туман ДСИ томонидан хусусий тадбиркор Маджидов Муроджон Уткурович номига 9 июль 2004 йилда берилган 3235 рақамли ҳисоб-китоб юрийтиш дафтари ва чек дафтари йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Собир Раҳимов туманидан рўйхатга олинган хусусий тадбиркор Маджидов Муроджон Уткурович номига берилган думалоқ муҳр ва бурчак штамп йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Чилонзор туман ҳокимлиги томонидан хусусий тадбиркор «Маджидов Муроджон Уткурович» номига 16 январь 2004 йилда берилган (Р.Р. 167/858-00-ББ) ББ 010809 рақамли буюм бозорида чакана савдон амалга ошириш учун рухсат гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент тумани ИИБ томонидан 2005 йилда «КО'РКАМ SAVDO» МЧЖга берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Утеранный гос ордер за № 10-01/1122Г от 25.02.1993 года выданный на имя Салахиддиновой Тамары право собственности на квартиру
СЧИТАТЬ НЕ ДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

терма жамоаси. «ЖАР»
стадиондан тўғридан-
тўғри олиб кўрсатила-
ди.
17.50 «Бинафша».
18.10 «Кучли бешлик».
19.00 Аралаш.
19.20 «Доктор Ду-
литтл». Кинокомедия.
21.00 «Время».
21.45 «Хабарлар».
22.00 «Спорт - менинг
хаётим: Захирадаги
спортчи».
22.20 Кураш бўйича
халқаро турнир.
22.45 Фигуралар учуш.
23.45 «Тунингиз осуда
бўлсин!»
30-канал
9.00 Очиртиш про-
грамми 9.05 «Телехам-
кор» 9.25 «Детский час» 9.50

Фильм детям: «Двенад-
цать месяцев», мульт-
фильм 11.20 «Телехам-
кор» 11.40 «Дикая пла-
нета» 12.50 Спорт-экст-
рим 13.30 Хит-парад.uz
14.50 Болалар соати
15.45 Дневной кинозал:
«Маска Зорро», приклю-
чения 17.25 «Телехам-
кор» 17.45 «Музыкальная
пауза» 18.20 Киновечер
на «30-м»: «Джонни мне-
моник», фантастика
19.50 «Ошикона», муси-
кий дастури 20.35 «Род-
ственный обмен», серил
21.35 «Телехамкор»
21.55 «Музыкальная па-
уза» 23.00 Воскресный
киновечер на «30-м»: «В
джазе только девушки»,
комедия 24.00 Програм-
ма передач

Хар нарсанинг ўз мавриди бор. Хусусан, тўй-ҳашамлар мавсуми ҳам одатда илиқ-иссиқ кунларга тўғри келади. Лекин, махсус тўйхоналар кўпайиб қолгани сабаблими ёки бошқа бир босиданми, қишнинг айна совуқ кунларида ҳам бундай издиҳомлар тез-тез ўтказилаётганининг гувоҳи бўлаяпмиз. Балки шунинг учун бўлса керак, тахририят кунда олиб турган мактублар орасида шундай мавзудаги номалар ҳам талайгина. Биз уларнинг баъзиларини эътиборингизга ҳавола қиларканмиз, айтилаётган гаплар ҳақидаги сизнинг фикрингизни ҳам билдиришни ниятдамыз, азиз газетхон. Мактубларингизни кутамиз.



Пули куйган совуқ билмас...

Дугонамнинг турмушга чиқиши қишнинг азбаройи қирчилламасига тўғри келди. Аксига олиб, тўй бирор ёпиқ жойда эмас, очиқ ҳовли саҳнида ўтадиган бўлди. Ҳаммамиз имкон қадар иссиқроқ кийиниб борганмиз. Турда кўёв ҳам костюм устидан зарбоф тўн кийиб ўтирибди. Бошида телпак, оёғида қишқи пойабзал. Келин эса... Дугонам ҳеч кимнинг сўзига кирмай, оқ ҳарир либослар-у оқ туфлида ўтираверди. Бунинг оқибати вай бўлиши ҳақидаги панд-насихатлар қор қилмади. «Никоҳ кўйлагини 100 минг сўмга ижарага олганман, ахир. Ҳамма кўрсинда», дейди нуқул.

Бир неча соат гўзал кўринишни истаган қизлар наҳотки соғлиғини, эртасини ўйламайди? Яна бир гап. Ижара ҳақи фалон пул турадиган келинлик либослари қачон «мода»дан қолади?

Нодира ХУСАНОВА,
талаба.

Тўёна ҳажмини ким белгилайди?

Оғайниларимдан бири тўйга айтди. Наҳорга ош бераётган экан. Уртоқларим бир кун аввал «сабзи-тўғрар»га борамиз дейишди. Қозон ташиш, уни ўрнатиш, сабзи тўғраш ишлари бўлса, посонлик кетмайди деб, эскироқ кийимларни кийиб чиқдим. Ҳамроҳларим эгни-бошимни кўриб, ҳайрон бўлишганди, хизмат қилгани кетаётганимни айтдим. «Тўёна ҳам олдингми?» — сўрашди улар. «Йўқ, — дедим-у, тарадудланиб қолдим. «Уч-тўрт минг олиб чиқай бўлмасан». Йигитлар кулишди. «Ҳозир қайтса-қайтар, қайтмаса йўқ, тўёналар ўн минг бўлаяпти. Бу ахир оғайнинг-ку. Тузукроқ қилиб олиб чиққин-да. Аззабазза тўёна бергани бир кун олдин бораёпмиз, ахир. Қозонқураар, сабзитўғрарларини бизсиз ҳам қилаверарди бўлмаса», — деди улардан бири.

Қизиқ тўёнанинг ҳам «ставкаси» борми? Уни ким белгилайди?

Дониёр ҲАКИМОВ, ишчи.

ГАЗЕТА ВА ГАЗЕТХОН



Эътиборсизликнинг оқибати хунук

Оила қураётган ёшларни тиббий кўриқдан ўтказишга панжа орасидан қараётганларни тушунмайман. Ахир, бу уларнинг истикболи ҳақида қайғуриш дегани-ку! Баъзан бўлажак келин-куёвларнинг «шу кўриқдан ўтмасак бўладими, маълумотномаларни шундай ёзиб беришса, хизматига тайёрмиз», — деганларини эшитсам, жоним хикматдоғимга келади. Ана шундай безътиборлик туфайли фарзандсиз оилалар кўпаяпти, туғма ногирон болалар дунёга келаяпти.

Мен никоҳолди тиббий кўригидан бўйин товлаётган ёшларни ҳудудий ижтимоий таъминот бўлимига юборишни таклиф қиламан. Бу ерда биз

уларни ота-оналари айби билан мажруҳ туғилган болалар сақланаётган уйларга етаклаб борардик. Кўришсин, мушоҳада қилишсин. Бундай аянчли манзарани кўрган одамнинг фикри ўзгармаслиги мумкин эмас.

Ҳозир биргина Бекобод туманида 423 нафар ногирон бор. Уларнинг 276 таси қизлар. Тиббий кўриқдан ўтмай оила қураётганлар бўлажак фарзандлари билан мана шу мажруҳлар сонини орттиришмаса дейман. Бундан биринчи навбатда уларнинг ўзлари азият чекишади-ку.

Даноҳон ЖУМАОЕВА,
туман ижтимоий таъминот бўлими ходими.

Саҳифа материалларини Кенжабек ҚУЛИЕВ тайёрлади.

Орзу-ҳавассиз эмишман

Институтни битириб, ишга жойлашганимдан кейин, ота-онам мени уйлантириш пайига тушиб қолишди. Қиз ҳам топилди, тўй куни ҳам белгиланди. Бўлажак келин билан тўй учун у-бу харид қилиш баҳонасида учрашдик. Бозор айлангунча, жиққа терга ботдим. Қаллигим фақат қиммат нарсаларга ўч экан. «Нархи осмонда-ку», — десам, «Зиқналик

қилманг, бунча пишиқсиз», — дейди. Хуллас, ҳеч нарса олмадик. Хайрлашаётганда, «Тўйни қаерда қиламиз?» — дея сўраб қолди. «Ҳовлида», — дегандим, туси ўзгарди. «Санъаткорлардан кимлар бўлади?» — яна сўради у. «Маданият уйида таниш қўшиқчилар бор...» Қизнинг қоллари чимирлиб, базўр хайрлашди-ю, жўнаб қолди. Кечкурун уйга вакиллар келиб, тўйни бекор қилиб кетишди. Тузукроқ ресторанда тўй ўтказолмасам, эл танийдиган қўшиқчиларни, «бирровга» келувчи хонанда ва қизиқчиларни таклиф қилолмасам, орзу-ҳавассиз эмишман.

Эндигина ишлай бошладим. Маошим ҳам отнинг калласидай эмас. Уйдагиларнинг йиғиб-териб қўйгани ортиқча ҳашаматга етмайди. Қизларнинг бари шундай бўлса, ҳалибери уйланомайман шекилли.

Бадал СИРБОЕВ,
хизматчи.

Шартнома керак экан

Қизимни узатаётган кезларим никоҳ шартномаси тузиш лозимлиги ҳақида кўп гапиришди. Аммо «шартномаси нимага керак, келин-куёв муносабатларига расмийчиликни аралаштириш шартми?» — деб қўнмадик. Бекор қилган эканмиз. Майда-чуйда гаплардан чиққан низо туфайли, қизим турмушдан қайтиб келди. Ҳуқуқ талаб қилиш билан боғлиқ ҳақиқий расмийчилик машмашалари энди бошланади чоғи.

Тўй арафасида одамлар маслаҳатига кирмаганимиз ҳозир бизга панд бераёпти. Гап қизимизнинг сепини ёки

қуда томон молини ажратишда эмас. Шартнома бўлганда, икки томон ҳуқуқий ва мулкий мажбуриятларини яхши билгани учун, шундай маломатларга қолмасидик, деган ўйлар бизни кўпроқ қийнапти. Қизини турмушга бераётган, ўғлини уйлантираётган ота-оналарга маслаҳатим — албатта никоҳ шартномаси тузилишига эришинг. Бизнинг хатомизни такрорланг. Шунда ёшларнинг мустақам турмуши кафолатланган бўлади.

Нозима БОТИРОВА,
муаллима.

Мучал ёши баҳона

Ўтган йили бир дўстим юбилейга таклиф қилди. «Ҳа, отанг неча ёшга кирибдилар?» — десам, «Йўқ, ўзим 35 ни қораладим», — дея жавоб берди. Қизиқ, 35 ёшни ҳам катта тўй қилиб нишонлай бошлашибди-да, деб ҳайрон бўлгандим. Бу йил яна ўша дўстим таклифнома кўтариб келди. Ресторанда тўй бераётганмиш. «Қизингни узатаёпсанми?» десам, «Йўқ-е, ҳали ёш-ку. Мучал тўйимни ўтказаяпман», — дейди. Бордик. Дастурхон тўла, одам зик, санъаткорлар гал талашаяпти. Тўёна кўтариб келганлар, қўлидагини топшириш учун навбатда... Мен эса тadbирнинг моҳиятини тушунолмайд гарангман.

Одамлар тўқликка шўхлик қилиб, турли баҳоналар билан исрофгарчилик қилиш йўлига ўтиб олишганми ёки бунинг ортида мен тушунмаган бошқа синоатлар борми? Ҳайронман.

Каримжон ТОШЕВ, муҳандис.

Қиз оши — энди ўтмиш

Тўйларни ихчамроқ, камхаржроқ ўтказиш, ортиқча маросимларни камайитириш ҳақидаги амалий тарғибот натижалари яхши бўлаяпти.

Масалан, бизнинг шаҳримизда фотиҳа тўйи, қиз оши, загс ўтириши деган нарсалар тугатилди. Бунда, албатта, кенг қўламли тушунтириш ишлари олиб бораётган, шахсий намуна кўрсатаётган маҳалла фуқаролар йиғини раислари фаолиятини ҳам алоҳида эслаб ўтиш керак. Айниқса, шаҳримиздаги 25 та маҳалланинг диний-маърифат, маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчилари ва уларнинг етакчиси — Собир Раҳимов маҳалласи маслаҳатчиси Саломат Тожибоева олиб бораётган ишларни таъкидлаб ўтгим келади.

Нафиса ТУРҒУНОВА, Бекобод шахри.

XXI asr va dunyo

Mamlakatlar
Odamlar
Voqealar
G'aroyibotlar

Eng
songi
xabarlar



ТЕРГОВ ЯКУНЛАРИГА КЎРА

17 февраль куни Россия федерацияси Бош прокуратурасининг Шимолий Кавказ бошқармаси Нурпоша Кулаев жиноий иши бўйича тергов ишларини якунлади. Маълумки, у Бесландаги мактаб босқинида қатнашган жиноятчилар орасида тирик қолган ягона кимса ҳисобланади. Кулаев РФ жиноят кодексининг саккизта моддаси бўйича айбланмоқда. Терговлар давомида жангари мана шу моддаларнинг олти-таси юзасидан айбини тан олди.

ШУБҲАГА АСОС БОР

Пайшанба куни Ирландия полициясининг Дублин ва Коркда ўтказган рейди мобайнида етти киши ҳибсга олинди. Улар 2004 йил 20 декабрда Белфастдаги Northern Bankни ўмаришда иштирок этганлар, деб гумон қилинмоқда. Рейд давомида икки миллиондан ортиқ фунт стерлинг кўлга олинди. Полиция маълумотларига кўра, бу пулларнинг 60 мингга Northern Bankдан ўғирлаб кетилган.

ИСТИЛОДАН ФОЙДАЛАНИБ

Халқаро террорчи гуруҳлар Ироқ истилоси ҳамда ушбу мамлакатдаги Америкага қарши кайфиятдан фойдаланиб, ўз сафларини кўнгиллилар билан тўлдирмоқда. АҚШ сенатидаги чиқиши пайтида Марказий разведка бошқармаси директори Портер Госс шу ҳақда гапириб, Ироқдаги уруш жаҳондаги барча ислом экстремистлари учун қўл келаётганини таъкидлади. У шунингдек, Штатлар ҳудудида рўй бериши мумкин бўлган террорчилик хуружлари ҳақида ҳам маълумот берди.

БУЗИШ ШАРТ ЭМАС

Исроил мудофаа вазири Шаул Мофаз фаластинлик жангарилар оилаларига тегишли уйлари ва йордан қилиш тажрибасига барҳам бериш ҳақидаги ЦАХАЛ бош штаби комиссиясининг тавсиясини тасдиқлади. Бу борадаги қарор пайшанба куни, ЦАХАЛ бош штаби раҳбари генерал-лейтенант Моше Яалон билан хизмат учрашуви мобайнида қабул қилинди.

ЭЛЛИК ЙИЛДАН СЎНГ

Яқин эллик йил ичида дунё юзидаги кексалар сони уч баробар кўпаяди, икки йил ўтиб эса, ер кўраси аҳолисининг ярми шаҳарларда яшайди. БМТнинг Иқтисодий ва Ижтимоий ваколатхонасига мазкур ташкилот бош қотиби Кофи Аннан тақдим этган маърузада шундай маълумотлар келтирилган.

ЗЎРАВОНЛИК ТИМСОЛИ

«Kalashnikov» ароғининг Буюк Британиядаги ишлаб чиқарувчиси, уни зўравонлик тарғиботида айблаётгани боис, мазкур маҳсулот номи ни ўзгартиришга аҳд қилди. Зеро, Британиянинг «Portman group» эксперт компанияси дунёга танилган автомат номи билан аталувчи бу спиртли ичимлик уни ичганларни тажовузкорлик ҳаракатлари содир этишга ундайди, деб ҳисобламоқда.

● Шарҳловчи минбари

Шимолий Кореяда ядро қуроли мавжудми?

Ўтган ҳафта расмий Пхеньян мамлакатнинг оммавий қирғин қуролига эга экани тўғрисида баёнот тарқатди. Ўзига хос бу иқдор жаҳон жамоатчилигини жиддий хавотирга солиб қўйди.

Жанубий Корея Миллий кенгаши (парламенти)нинг разведка масалалари бўйича кўмитасида КХДР раҳбариятининг мазкур баёноти муҳокама этилди. Мамлакат хавфсизлик идораси ҳисоботида кўра, Шимолий Корея ядровий қаллақ ташувчи баллистик ракетага эга эмас. Чунки мамлакатда уларни ишлаб чиқариш учун имконият йўқ. Шу боис Пхеньяннинг баёноти асоссиз, дейилади ҳисоботда. Бироқ унда таъкидланишича, КХДР эски русумдаги бир нечта атом бомбасига ва уларни белгиланган ҳудудга ҳаво орқали етказувчи технологияга эга бўлиши мумкин.

Атом энергияси бўйича халқаро агентлик мутахассисларининг тахминига қараган-

да, КХДРда ўтган йилдан буён ҳарбий мақсадлар учун плутоний моддаси ишлаб чиқарилмоқда. 2003-2004 йиллар мобайнида Шимолий Кореяда 8 мингта ядровий ёқилғи стержени қайта ишланиб, 60 килограммга яқин плутоний олинган. Бу эса ўнлаб атом бомбаларини ишлаб чиқариш имконини беради.

Демак, Пхеньян ядро қуролини яратиш учун зарур барча таркибий қисмларга эга. Аммо, Жанубий Корея разведка маҳкамаси ҳисоботида ва МАГАТЭ вакилларининг фикрларида КХДРда бундай турдаги оммавий қирғин қуроли ҳақиқатан ҳам мавжуд эканини тасдиқловчи маълумот келтирилмаган.

Нодирбек ЎЛЖАБОВ,
ЎЗА шарҳловчиси.

Ливан: уч кунлик мотам

Ливаннинг собиқ бош вазири Рафиқ Ҳаририйга сунқасд уюштирилди. У бир неча кўриқчиси билан бирга ҳалок бўлди.

ПАТА-ТАСС хабарларига кўра, собиқ бош вазир ўтирган автомобиль Байрут шаҳридаги «Сент Жорж» меҳмонхонасига яқинлашганида кучли портлаш юз берган. Кўпуровчилик натижасида ён-атрофдаги биноларга жиддий зарар етган. Юзга яқин одам жароҳатланган. Ҳалок бўлган-


лар орасида мамлакатнинг собиқ адлия вазири Самир ал-Жиср ҳамда савдо ва иқтисодиёт вазири Басил Фулейхон ҳам бор.

Хунрезлик учун жавобгарликни номаълум террорчи гуруҳлардан бири ўз зиммасига олди. Унинг билдиришича, Рафиқ Ҳаририй Саудия Арабистони билан яқин ҳамкорлик ўрнатгани учун ўлдирилган.

Ушбу воқеа муносабати билан мамлакатда уч кунлик мотам эълон қилинди. Хавфсизлик чоралари кучайтирилиб, мактаблар ва бошқа муассасалар вақтинча ёпиб қўйилди. Байрутда эса содир этилган кўпуровчиликка қарши норозилик намойишлари ўтказилмоқда.

Маълумотларга кўра, Рафиқ Ҳаририй сўнги 20 йил ичида Ливанда сунқасд натижасида қурбон бўлган иккинчи ҳукумат раҳбаридир. 1987 йилда мамлакатнинг ўша вақтдаги бош вазири Рашид Карамга ҳам сунқасд уюштирилган эди.

Фазлиддин АРЗИЕВ,
ЎЗА шарҳловчиси.



Шамол туфайли шакл ҳосил қилган қоялар (Колорадо, АҚШ).

НУФУЗГА ПУТУР ЕТДИМИ?


«Оскар-2004» совринига даъвогар бешта энг яхши фильмнинг касса тушумлари йиғиндиси сўнги 20 йил мобайнидаги энг паст натижани кўрсатди. АҚШ кинотеатрларида мазкур асарлар намойиш этилганда, улар «Оскар - 2003» га даъвогарлик қилган «Узуклар соҳиби» нинг якуний қисми етакчилигидаги фильмларга нисбатан 50 фоиз кам пул топдилар.

АНЧА КЕКСАРОҚ ЭКАН

Япониялик астрономларнинг тадқиқотлари галактиканинг энг кўҳна кластерлари вуҷудга келган даврни яна учдан бир ҳисса ўтмишга сурди. Коинотнинг ўта йирик объектлари катта портлашдан сўнг камида миллиард йил ўтиб ҳосил бўла бошлаган, деб ҳисоблашаётган Япония миллий астрономик обсерваторияси (NAOJ) мутахассислари.

ҚАРИТМАЙДИГАН ҚОН

Қари кемирувчилар томирига юборилган ёш сичқонлар қони улардаги мушаклар тўқимасининг қайта тикланиши ҳамда жигар паренхимасини жадаллаштирар экан. Акс тажриба — қари сичқонлар қонини ёшларига қуйиш чоғида шикастлар ва жароҳатлар битиши секинлашиши маълум бўлди.



(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

САҲРОИ КАБИРДА ҲАМ ҚОР ЁҒАНДИ

Африканинг Саҳрои кабирда иссиқ ҳарорат ҳукм с у р и ш и н и кўпчилик биланди. Шундай бўлса ҳам унда қор ёққан. Бу ҳудуд учун бундай ғайри табиий ҳодиса 1979 йилнинг 16 февралда юз берган. Бу ерда яшовчилар авлоди улар учун мўъжиза ҳисобланган қорни 2005 йилда ҳам кўрдилар. Бу қитъадаги Нил дарёси устини муз қоплаган вақт ҳам бўлган. Бу дарё икки марта — IX ва XI асрларда шундай ҳодисани бошидан кечирган.



● Такдимот ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ●

«ДЕВОНА»

Алишер Навоий номидаги кино саройида «Ўзбеккино»

миллий агентлигининг «Ўзбекфильм» студиясида яратилган «Девона» бадиий фильмининг такдимоти бўлиб ўтди. Фильмни Асад Дилмурод сценарийси асосида режиссёр Собир Назармухамедов суратта олган.

Фильмда икки ёшнинг соф мухаббати ҳақида хикоя қилинади. Шу билан бирга томошабинлар унда от шайдоси Эргаш ака билан юзлашадилар. Ўзи меҳр куйган отнинг тасодифан йўқолиб қолиши Эргаш ака феъл-атворининг яширин қирралари очилишига сабаб бўлади. Бош ролларни Дилбар Икромова, Эркин Комилов, Мурод Ражабов ижро этган. Шунингдек, фильмда Улугбек Қодиров, Шуҳрат Нурматов, Шахло Ҳожиёва сингари ёш актёрлар ҳам иштирок этишган. Янги картинани оператор Ҳамидулла Ҳасанов тасвирга туширган.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.



СОВРИН КИМГА НАСИБ ЭТАДИ?

Пойтахтимизда Ўзбекистон футбол федерацияси (ЎФФ) кубоги учун ташкил этилган анъанавий турнир давом этмоқда.

Мусобақанинг «А» гуруҳидан жой олган жамоалар ўртасида «Пахтакор-2» футболчилари «Шайхонтоҳур»ни 7:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, дастлабки уч очкони қўлга киритди. Гулистоннинг «Сирдарё» жамоаси футболчилари эса пойтахтнинг яна бир вакили «Трактор»га 1:3 ҳисобида имкониятни бой берди.

«В» гуруҳида «НБУ-Осиё» (Тошкент шаҳри) дастлаб олий лига дебютанти «Шўртан»ни (Фузор) 4:0, иккинчи турда Қозғистоннинг «Булат» жамоасини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. Ушбу гуруҳда иккинчи ўринга «Булат» устидан 3:1 ҳисобида ғалаба қозongan «Металлург» (Бекобод) даъвогарлик қилмоқда.


«Бухоро» дастлабки учрашувида пойтахтнинг «Локомотив-2» жамоасини 8:3 ҳисобида мағлуб этди. Иккинчи турда эса «Қизилқум» (Зарафшон)

футболчиларидан ҳам устун келди -1:0. Олти очко жамгарган бухороликлар «С» гуруҳида пешқадамлик қилмоқда. Гуруҳдаги яна бир учрашувда «Кимёгар» (Чирчик) «Локомотив-2» вакиллари 2:0 ҳисобида енгди.

«D» гуруҳида Қозғистоннинг «Энергетик» жамоаси дастлабки учрашувда Янгиер футбол интернати тарбияланувчиларини 12:0 ҳисобида доғда қолдириб, биринчи ўринга кўтарилди. Жорий мавсумни олий лигада бошлайдиган Сарисоёнинг «Тўполан» клуби эса «Сўғдиёна» (Жиззах) устидан зафар кучди -2:1.

Мусобақа қондасига кўра, ҳар бир гуруҳдан энг кучли икки жамоа чорак финалга йўлланма олади. Ўзбекистон футбол федерацияси кубоги соҳиби 26 февраль кuni ўтказиладиган финал учрашувида маълум бўлади.

КУЧЛИ ЖАМОАЛАР РҲЙХАТИДА



Халқаро футбол уюшмалари федерацияси – ФИФА мамлакатлар миллий терма жамоаларининг февраль ойидаги янги рейтинг жадвалини эълон қилди.

Унга кўра, беш карра жаҳон чемпиони – Бразилия терма жамоаси ҳамон биринчи ўринни эгаллаб турибди. Шунингдек, Франция ҳамда Аргентина миллий терма жамоалари ҳам кучли учликдан жой олди. 2006 йили Германияда бўладиган

жаҳон чемпионатининг якуний саралаш босқичидаги дастлабки учрашувда Саудия Арабистони терма жамоаси билан 1:1 ҳисобида дуранг ўйнаган Ўзбекистон миллий терма жамоаси 47-ўринда бормоқда.

ЎЗА.

ДАДИЛ ЗАРБА ВА НОКАУТ

Германиянинг Штуттарт шаҳридаги Alte Reithalle спорт мажмуи рингида профессионал боксчилар иштирокида қатор жанглар ўтказилди. Турнирнинг энг асосий беллашувида ўзбекистонлик таниқли профессионал боксчи Муҳаммадқодир Абдуллаев WBO йўналиши бўйича Intercontinental (қитъалараро) чемпионлик камарини ҳимоя қилди.

Муҳаммадқодир Абдуллаевнинг чемпионлик камарига аргентиналик чарм қўлқоп устаси Хуан Альберто Годой даъвогар эди. Аргентиналик боксчи ёш бўлишига қарамай, профессионал рингда Муҳаммадқодир Абдуллаевга нисбатан кўпроқ жанг ўтказган бўлса-да, қитъалараро чемпионлик камари учун беллашувда ўзбекистонлик рақибига деярли қаршилик кўрсатолмади.

Ўн икки раундга мўлжалланган жангнинг учинчи раундида юрдошимизнинг залворли зарбаларига дош беролмаган аргентиналик боксчи кулаб тушди. Учрашувни бошқарган рефери баҳсда Муҳаммадқодир Абдуллаев зафар қучганини эълон қилди.



Шундай қилиб, ҳамюртимиз WBO йўналиши бўйича Intercontinental чемпионлик камарини ўзида сақлаб қолди.

Зоҳир ТОПХЎЖАЕВ,
ЎЗА мухбири.

Буни ҳаёт дейдилар

Мактабдан келган Иброҳим сумкасини ерга ташлади-да, отасига деди:

– Дада, илтимос, энди гўрковлик қилманг.

8-синфда ўқийдиган ўглининг дабдурустдан айтган гапидан Ҳаким хайрон бўлиб қолди.

– Ҳа, тинчликми, ўғлим?

– Э, менга ўртоқларим нуқул «сенинг отанг ўлганларни гўрга кўмиб, одамларнинг пули ва нарсаларини олади», дейишади. Қўйинг, шу ишни.

Ҳаким бир оз ўйланиб қолди-да, деди:

– Мен бу ишни пул ёки бошқа нарса учун қилмайман. Савоб учун қиламан.

– Савоб деганингиз нима ўзи? Ахир одамлар сизга пул, чопон, қийиқ ва тугунча беришади-ку.

– Ўғлим, мен бу нарсаларга сира ҳам муҳтож эмасман. Ўзинг биласан-ку, тракторчиман. Топишим яхши. Еб-ичишга, сизларни боқиб, кийинтиришга қурбим етади.

– Нега бўлмаса, ўлганларни кўмишга борасиз?

– Айтдим-ку, савоб учун деб!

– Ҳадеб савоб деяверасиз. Нима ўзи савоб, унинг кимга кераги бор?

Ҳаким шу пайтгача савоб ҳақида бафуржа ўйлаб кўрмаган экан. Сездикки, ҳозир ўғлига савоб нима эканлигини икки оғиз сўз билан тушунтириб беролмайди.

– Қани айт-чи, ўлган одамни кимдир қабрга қўйиши керакми?

– Шуни сиздан бошқа кимдир қилса бўлмайди?

– Ким, масалан?

– Қаёқдан биламан. Ана, маҳалламизда чоллар кўп-ку, ўшалар қилишсин.

– Э, болам-эй, қабр қазиш учун куч керак. Чоллар бу ишни қилолмайди. Қолаверса, бу иш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келар-вермайди.

– Нима учун бошқалар қилолмайдиган ишни сиз қилишингиз керак, дада?

Иброҳимга дадасини бу ишдан қайтара олмаётганлиги алам қилар эди.

– Савоб учун деб айтпман-ку, нега тушунмайсан! Айтишларича, қирқта майитнинг қабрини қовлаган киши катта савоб олармиш...

САВОБ ИЗЛАБ

У бу гапни катта тоғаси, марҳум Абдали акадан, илк бор у кишига ёрдамлашиш учун қабристонга борганида эшитган эди. Ушанда ёш йигитнинг вужудига қўрқув кирган бўлса-да, тоғасининг далдалари билан ёрдамчиликни бинойидек эплаганди.

Абдали тоға ўшанда хиянига улкан шаҳарларда, катта-катта маҳаллаларда алоҳида гўрковлар бўлишини, ўзлариники каби чекка қишлоқларда бу ишни савоб учун қилиб кетаверишларини айтиб, кейин тайинлаганди:

– Билиб қўй, хиян, барчамизнинг келадиган жойимиз, мангу масканимиз мана шу қабристон.



Кимки, ҳаёти давомида қирқ майитни қабрга қўйишга хизмат қилса, у дунё-ю, бу дунё мушқули осон бўлар экан.

Шу бўлди-ю, Ҳаким қишлоғида ким вафот этса, уни қабрга қўйишда қатнашишни одат қилди.

Ҳаким ҳар сафар мана шу қишлоқдан овлоқдаги, ўт-ўлан босган сукунат масканга келиб, ерга кетмон урар экан бир нарсасга хайрон қоларди. Тавба, марҳумнинг кимлиги, қандай инсон бўлганлиги гўё унинг қабр жойида ҳам билинар экан. Кимнингдир қабридан тош, кимникидан эса яна нима балолар чиқарди. Бировларнинг қабрини қавлаганда силласи қуриб,

қийналса, кимнингдир жойи хайрон қоларли тарзда юмшоқ.

У қазо топган ҳамқишлоқларининг ёшу қарисини ҳам қабрга қўйди. Қизиқ, улар ҳаёт пайтида мутлақо бошқа-бошқа инсонлар бўлишса ҳам, лекин бу ерга деярли бир хил аҳволда, бир хил либосда келар эдилар.

Ораси бир чақиримнинг у ёқ-бу ёғидаги бу икки маскан: ҳаётнинг бор гуноҳию савоби, бор ғаму қувончи, шовқин-суронини ўзида акс эттирган қишлоғи билан мангу сукунат макони – қабристон аҳволини кўриб, нима учун улар бир-бирига мутлақо эътиборсиз эканлигини сира ақлига сиғдиролмасди.

Фақат бир нарсани биларди: қабристоннинг қишлоқ билан асло иши йўқ, аксинча, қишлоқдагилар қабристонни ҳам тинч қўйишмасди. Мана, ўзини ҳам кимлардир гап қилишар, «ўликларни кўмиб, пул олади» дейишар экан-ку.

«Тавба, – деб кўяди шундай пайтда бу содда йигит дунёнинг ғалати нағмаларидан лолу хайрон бўлиб: – Мен нима ниятда-ю, улар нима ҳаёлда».

Шу тобда уни бир изтиробли ўй қийнар эди. Наҳотки, ўғли сира тушуна олмаётган савоб деган нарсани бошқалар ҳам тушунмаса. Наҳотки, бу тушунчалар бориб-бориб, йўқолиб кетса?!

Эртаси кuni эрта тонгда Ҳакимни яна сўроқлаб келишди: маҳалладаги Эргаш бува қазо қилибди.

Ҳаким келганларга «ҳозир бораман» деб юборди-ю, улар кетгач, ўглининг кечаги гаплари эсига тушиб, кўнгли хижил торти. Аммо дилига «савоб учун-ку» деган ҳаёл келди-ю, кўнгли ёришиди. У қўлига кетмон ва белкуррак олиб қабристон сари илдам юриб кетди.

Маъмур БОЗОР АЛИ.

Биласизми? ЯНТОҚНИНГ ҲОСИЯТИ

Сахро ва чўлларда ўсадиган янтоқ туялар учун тўйимли озуқа ҳисобланади. Айни вақтда янтоқ шифобахш хусусиятларга ҳам эга.

Унда қанд моддаси борлигини немис сайёҳи Леонард Равольф 1583 йилдаёқ аниқлаб, ботаник жиҳатдан тасвирлаб берган эди.

Бир гектар янтоқзордан 100 килограммгача қанд йиғиб олиш мумкин. Бир замонлар ана шундай янтоқ қандидан новвот ва холва тайёрланарди. Жумладан, Қарши шаҳри ўзининг «Руста холваси» билан машҳур бўлган.

Янтоқдан дамланган чой кўк чойга нисбатан кўпроқ наф бераркан. Чунки янтоқ таркибида танин моддаси бўлиб, унинг тана учун фойдаси катта. Шунинг учун табиблар ичбуруғ, ичак ва ошқозон яллиғланиши, бод, бавосил каби касалликларни даволашда янтоқдан фойдаланишган.

Илгари янтоқ ўтин ўрнида ишлатилар эди. Тўйларда янтоқ ёқиб палов дамланган. Шунингдек, хумдонда гишт янтоқ ёқиб пиширилган. Майиз қилинаётган узум, аввал, янтоқ оловида қайнатиб олинган.

Ақбар АЛИЕВ тайёрлади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТГА ҚОЎҚОН

Муассис
ТОШКЕНТ
ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
вазифасини бажарувчи
Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий
ишлар бўлими: 133-40-48.
Эълонлар:
133-70-10, 136-53-54.

Манзилими:
700000, Тошкент
шаҳри, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузурдаги
Матбуот ва ахборот бошқармасида
03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати»
таҳририяти компьютер
марказида терилди ва
саҳифаланди.

• Эълон ва билдирув-
лардаги факт ҳамда далил-
ларнинг тўғрилиги учун
реклама ва эълон берув-
чилар масъулдир.